

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ  
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

**2021**

**Ҳайитов Ш.А. тарих фанлари доктори,  
профессор**



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**

**“МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ  
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ  
АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БҮЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Ўзбекистон тарихи**

Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Тузувчи:** Ш.А.Ҳайитов тарих фанлари доктори, профессор.

**Тақризчи:** К.Ж.Рахмонов тарих фанлари номзоди, доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа Бухоро давлат университети Илмий  
Кенгашининг қарори билан нашрга тавсия қилинган  
(2020 йил “30” декабрдаги 9-сонли баённома)**

## МУНДАРИЖА

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР .....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>11</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>25</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>91</b>
<b>V. ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>105</b>
<b>VI. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>114</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

**“Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари”** модулинин маъруза ва амалий машғулотлар орқали ўрганишда тингловчилар 1991-2020 йилларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи юз берган ўзгаришларни, амалга оширилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалаларни янги чоп этилган дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмаларни таҳлил этилиши натижасида ўзлаштирадилар.

### Модулининг мақсади ва вазифалари

**“Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг мақсади:** Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, геосиёсат йўналишидаги таълим жараёнини мувофиқлаштириш ва мазмунан бойитиш, ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган замонавий ёндашишлар ҳамда педагогик ва ахборот технологиялар билан таништириш, замонавий геосиёсат соҳасида юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини оширишдан иборат.

**“Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари” модулининг вазифалари:**

- “Ўзбекистон тарихи” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникума, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;
- педагогларнинг ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;
- мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;
- Республика олийгоҳларида Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари таълими структурасини мувофиқлаштириш;
- Республика олийгоҳларида Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари таълим мининг моҳиятини мукаммаллаштириш;

- Ўзбекистон тарихий тадқиқ усулларини энг қадимги даврдан ҳозирги кунларгача бўлган жараённи ва жамиятнинг ривожланишига қўшган ҳиссаси ва аҳамиятини тингловчиларга етказиш;
- Республика олийгоҳларида Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал масалаларини ўқитиши методикасининг асосий муаммолари, таълим-тарбия жараёнини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш ва бошқариш.

**Модуль бўйича тингловчиларнинг билими, қўниқмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **tinglovchilar**:

- жаҳон етакчи университетларининг ўқув методлари;
- Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари модули бўйича адабиётлар ва ўқув қўлланмалари структураси;
- жаҳон ва республикамизнинг Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари фанининг ривожи ҳақида **қўниқмаларига эга бўлиши** лозим.
- “Мустақил Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари” фанидан тингловчилар ҳар бир Ўзбекистон тарихий даврида Ўзбекистон тарихий тадқиқотлар кўлами, ҳар бир даврнинг ўз долзарб муаммосини тадқиқотларнинг методологик асосларини мукаммал билиш **малакаларини эгаллаши** лозим.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Фан мазмунни ўқув режадаги **“Ўзбекистон тарихи фанидаги инновацияларни таълим тизимига тадбиқ этилиши”** ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда тингловчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг назарий концептуал асослари модули орқали хорижий тажрибаларни ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар ва йўналишга мос зарурый билим, қўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар.

### Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат			
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		
			Жами	Назарий машгулот	Амалий машгулот
1.	Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли	2	2	2	
2.	Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шакланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви	2	2	2	
3.	2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши	2	2	2	
4.	Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг устувор йўналишлари	2	2	2	
5.	Миллий давлат тизимининг барпо этилиши	2	2		2
6.	Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши	2	2		2
7.	Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шакланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви	2	2		2
8.	Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми	2	2		2
9.	Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши	2	2		2
10.	Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар	2	2		2
<b>Жами</b>		<b>20</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>

**НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ****1 – мавзу: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўли.****Режа:**

1. XX аср 80-йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.
2. “Пахта иши” қатагонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.
3. Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши.

**2 – мавзу: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши,  
иктисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.****Режа:**

1. Кучли ижтимоий сиёсат концепциясининг шаклланиши.
2. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, бос-қичлари ва хусусиятлари.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.

**3 – мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини  
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар  
стратегиясининг қабул қилиниши.****Режа:**

1. Жамият хаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва илоҳ қилиш.
2. Давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар доирасида аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларнинг белгиланиши.

**4 – мавзу: Давлат ва жамият ўргасидаги мувозанатни таъминлашнинг  
устувор йўналишлари.****Режа:**

1. Давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.

2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.

## АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

### 1-мавзу: Миллий давлат тизимининг барпо этилиши.

**Режа:**

1. Бошқарувда янги усулларнинг шакллантирилиши.
2. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти қарор топиши.

### 2-мавзу: Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши.

1. Жамиятни демократлашувида оммавий ахборот воситаларининг роли.
2. Фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлидаги ҳаракатлар.

### 3-мавзу: Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.

**Режа:**

1. Кучли ижтимоий сиёsat концепциясининг шаклланиши, босқичлари ва ривожлантирилиши.
2. Мамлакат иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиниши.

### 4-мавзу: Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.

**Режа:**

1. Банк-молия тизимини мустаҳкамлаш.
2. Эришилган янги мэрралар.

### 5-мавзу: Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.

**Режа:**

1. Иқтисодиётни ривожлантириш ва либе-раллаштиришнинг устувор йўналишлари, ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифалар.

2. Ўзбекистонда чуқур ўйланган ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларнинг белгиланиши.

**6-мавзу: Ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг тузилиши.
2. Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг вазифалари ва функциялари.

## П. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### 1. “ВЕНН ДИАГРАММАСИ” ГРАФИК ОРГАНАЙЗЕРИ (ГО)

Таълим олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш (синтезлаш) кўникумаларини ҳосил қилишга йўналтирилади. У кичик гурӯхларни шакллантириш асосида аниқ схема бўйича амалга оширилади.

ГО қуидаги схема (график тасвир)га эга бўлиб, топширик шу схема асосида бажарилади:




График органайзер таълим олувчилар томонидан ўзлаштирилган ўзаро яқин назарий билим, маълумот ёки далилларни қиёсий таҳлил этишга ёрдам беради. Ундан муайян бўлим ёки боблар бўйича якуний дарсларни ташкил этишда фойдаланиш янада самаралидир.

### 2. “Кейс-стади” технологияси

“Кейс-стади” (инглиз тилида “case” – метод, “study” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш) технологияси таълим олувчиларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш

кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласи. У таълим оловчиларни бевосита ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади.

Технологиянинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади.

Булар қўйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва таълим оловчи ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари.

### **3. “Концептуал жадвал” ГО**

Таълим оловчиларни ўрганилаётган мавзу (масала ёки муаммо)ни икки ёки ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашга ўргатади. Ундан фойдаланишда таълим оловчиларнинг мавзу юзасидан мантиқий фикрлаш, маълумотларни тизимли баён қилиш қобилияtlари ривожлантирилади.

Машғулотлар чоғида Годан қўйидагича фойдаланилади:

Ўқитувчи ечими топилиши лозим бўлган мавзу (масала)ни аниқлайди

Талабалар мавзу ва Годан фойдаланиш коидаси билан таништирилади

Талабалар кичик групкаларга биректирилади

Групкалар ўзларига берилган топширикни бажаради

Групкалар ечимни синф (груп) жамоаси хукмига ҳавола этади

Групкаларнинг ечимлари синф (груп) жамоасида мухокама қилинади

### **4. “Кластер” ГО**

“Кластер” (фунча, тўплам, боғлам) график органайзери пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни таълим оловчилар билан якка тартибда, груп асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари

сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

### **5. “Конференция” методи**

Технология таълим олувчиларга улар томонидан мавзу бўйича ўзлаштирилган билимларни эркин баён қилиш, мазмунини ўз фикри, хаётий мисоллар ёрдамида ёритилишини таъминлашга хизмат қиласди.

Ўкув жараёнида технологиядан фойдаланиш ўрганилаётган муаммо бўйича муайян масалаларни ҳал этиш, маълум жараён (воқелик, ҳодиса)нинг келиб чиқиши сабаблари, уларни бартараф этиш йўлларини топиши асосида таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ижодий изланиш, фикрини исботлаш ва турли вазиятлардан чиқа олиш қўникма, малакаларини ҳосил қиласди.

Технология тарбиявий характерга эга бўлиб, таълим олувчиларга ўзларида ижобий фазилатларни қўпроқ шакллантириш, салбий хислатлардан эса воз кечишиларида ёрдам беради.

### **6. “Кичик гурухларда ишлаш” методи**

Метод таълим олувчилар томонидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий билимлар асосида педагогик фаолиятни ташкил этишига оид режани ишлаб чиқиши қўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Уни қўллаш таълим олувчилардан ўрганилаётган мавзу мазмунини пухта ўзлаштириш, асосий ғояларни умумлаштириш, маълум тизимга солиши лаёқатига эга бўлишни тақозо этади.

Метод таълим олувчилар фаолиятини жуфтлик, гуруҳ ва жамоа асосида ташкил этиши имконини беради. Уни маънавий-маърифий ишларни ташкил этиши, волонтёрлик ҳаракатларини олиб бориш, педагогик амалиётни ташкил этишда қўллаш янада самарали ҳисобланади.

Одатда режани ишлаб чиқишида педагогик вазият, таълим олувчиларнинг ёш, психологик хусусиятлари, маънавий-маърифий ишнинг йўналиши, мазмуни ҳамда самарадорликка эришиш имкониятига эгалик инобатга олинади.

### **7. “ФСМУ” методи**

График органайзер таълим олувчиларда ўрганилаётган мавзу юзасидан фикрларни мустақил баён этиш, шахсий мулоҳазаларни далиллаш (мисоллар билан асослаш), баҳслашиш қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласди.

Таълим олувчиларга қуйидаги схема билан ишлаш тавсия этилади:


№	Тушунчалар	(Ф)	(С)	(М)	(Ү)
1.	Таълим методлари				
2.	Таълим воситалари				
3.	Таълимни ташхис қилиш				

### 8. “Қарорлар шажараси” (“қарор қабул қилиш”) стратегияси

Стратегия муайян фан асосларига оид бир қадар мураккаб мавзуларни ўзлаштириш, маълум масалаларни ҳар томонлама, пухта таҳлил этиш асосида улар юзасидан муайян хуносаларга келиш, муаммо юзасидан билдирилаётган бир нечта хулоса орасидан энг мақбул ҳамда тўғрисини топишга йўналтирилган техник ёндашувдир. У аввалги вазиятларда қабул қилинган қарорларни яна бир бора таҳлил қилиш, уни мукаммал тушунишга хизмат қиласди.

Таълимда стратегияни қўллаш ўрганилаётган муаммо юзасидан оқилона қарор қабул қилиш (хуносага келиш) учун таълим олувчилар томонидан билдирилаётган ҳар бир вариантни таҳлил қилиш, мақбул ва номақбул жиҳатларини аниқлаш имкониятини яратади.

Унга кўра машғулотларда таълим олувчилар қуйидаги чизма асосида ишлайди (у ёки бу тартибдаги фаолиятни олиб боришда ёзув таҳтасидан фойдаланади):



## “АҚЛИЙ ҲУЖУМ” методи

“Ақлий ҳужум” методи - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методdir. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар.

“Ақлий ҳужум” методининг оғзаки туридан фойдаланган ҳолда қўйидаги саволлар берилади:

1. Таълим жараёнида қадриятлар тизимининг ўрнини кўрсатинг?
2. Ўзбекистонда таълимни ташкил этишининг асосий босқичларини очиб беринг?
3. Таълим жараёнининг ички имкониятлари ва муаммоларининг мухим жиҳатларини таърифлаб беринг?
4. Болония декларациясининг асосий ютуқлари ва камчиликлари?
5. Таълимнинг инсонпарварлашуви ва ахборотлашувида фалсафанинг ролини очиб беринг?
6. Таълимнинг қайси шаклларини биласиз?

“Ақлий ҳужум” методининг ёзма туридан фойдаланган ҳолда қўйидаги саволларга ёзма тўлиқроқ вариантда жавоб ёзишлари талаб этилади:

1. Таълим фалсафасининг моҳияти нималардан иборат?
2. Дунё таълим маконида гуманитар таълимни ташкил этиш имкониятлари?

<b>Ақлий ҳужум</b>	-(брейнсторминг – мия бурони), амалий ва илмий муаммоларни ечишда жамоа билан маълумот йифиш
<b>Усулни асосий ғояси</b>	-ғоялар тўплаш, уларни баҳолаш ва таҳлил килиш, ажратиш. “Ақлий ҳужум”ни олиб борувчининг хатти-харакати учун бу гоя асосий кўрсатгич бўлиб, иштирокчиларни имконият қадар кўп ғоялар таклиф килишга ундейди.

<b>Қоидалари</b>	Имкони борича қўпроқ ғояларни таклиф этиш (жамлаш), уларни талқин қилиш, муаммоларни ечиш ва уларни доскага ёзиб қўйиш.
<b>Таълим берувчи</b>	<p>Қатнашчиларни 3-4 гурухга бўлади ва хар бирига муаммолар таклиф этади (<b>Илова 1</b>)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>-Иштирокчиларни қўллаб-қўвватлайди (имо-ишора, жилмайиш, ха-йўқ сўзлари билан);</li> <li>-юмшоқ, аммо астойдил талабаларни бошқаларни танқид килишдан кайтариб туради;</li> <li>-хар бир фикрни ўзгартирмасдан доскага ёздириб қўяди;</li> <li>-талабаларни сўровга киришиб кетишига ёрдам бериш ва психологик тускинликни йукотиш учун, олдинги ёки шу дарсдан кутилмаган, оригинал саволлар бериб машқ ўтказади (блиц сўров) (<b>Илова 2</b>).</li> </ul>
<b>Фидбэйк</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ҳар бир ғояни муҳокама қилиш;</li> <li>-энг тўғри ғояларни қўллаб-кувватлаш</li> </ul>

### 3. Ақлий ҳужумнинг мақсади ва қоидалари

#### Ақлий ҳужумни ўтказишдан мақсад:

- муаммони ҳал қилиш учун ғояларни топиш;
- ғояларни уларнинг аҳамиятлилигига қараб тартиблаш;
- фаол фикрлаш малакасини шакллантириш;
- кутилмаган ғояларни пайдо бўлиш жараёнини намойиш қилиш;
- топилган ғоялардан фойдаланиш кўникмасини шакллантириш.

#### Ақлий ҳужум қоидалари:

- ғояларни илгари сурилиши босқичида танқид тақиқланади;
- оригинал ҳатто фантастик ғоялар рағбатлантирилади;
- барча ғоялар ёзиб борилади ёки қайд қилинади;
- агар маъқул топса муаллифнинг ўзи ҳам ёзиб боради;
- “ақлий ҳужум” методида қатнашчилар бир-бири билан юридик ва маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлмаслиги зарур;
- таҳлилчилар гурӯҳи нисбатан самарали ғояларни таҳлил қиласи, синтез қиласи, баҳолайди ва танлайди;
- ушбу тадбирни ўтказишда Кейнснинг “ иқтисодчилар адашсалар ҳам уларни ғояси келажак учун хизмат қиласи” деган қоидасига амал қилиш.

### Натижа:

- талабалар томонидан муайян назарий билимларни пухта ўзлаштиришга эришилади;
- вақт ажратилади ва қилинади;
- ҳар бир талаба фаолликка интилади;
- уларда эркин фикрлаш лаёқати шакланади.


### “ЛОЙИХА” методи



**“Лойиха” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯҳларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosा чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичида янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нуқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиха ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбик этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қўйидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилган.



## “Лойиха” методининг босқичлари

### ИЛМИЙ МАҶОЛА ЛОЙИҲАСИНИ ТАЙЁРЛАШ

*Таълим олувчиларга модул мавзулари доирасида эркин мавзу танлайдилар, улар мавзу ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўз илмий маҷолаларини тайёрлайдилар (ҳажм 4-5 варақгача)*

#### “Инсерт жадвали”

Тинловчиларда маърузалар ва мустақил таълим жараёнида олган билимлари асосида назарий маълумотларни тизимлаштиришиб уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш, қабул қилинаётган маълумотларнинг тушунарлигини назорат қилиш аввал эгаллаган билимларини янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиради. Тинловчилар ушбу жадвал асосида дарсда олган билимларини ўз билимлари билан таққослади, мавзу бўйича мустақил ишлаб, янги маълумотлар олади, уларни матнда қўйилган белгилар асосида жадвалга киритади.

**Намуна:**

Инсерт жадвали

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР”**

V	+	-	?
---	---	---	---


“V”- ..... ҳақидаги билимларимга жавоб беради;

“+” ..... ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;

“-” ..... янги маълумотлар

“?” ..... мавзуга оид туғилган саволлар

### “Т-жадвал” методи

Жадвал шаклида берилган топшириқни моҳиятига кўра қиёсий таққослашни амалга ошириш талаб этилади. Жадвалнинг ўнг ва чап томонларига масаланинг бир-бирига зид ҳолатлари баён этилади, масала ечими юзасидан якуний хуносага келинади.

#### Намуналар:

<b>Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда таълимнинг ўзига хос хусусиятлари</b>	

<b>Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ютуқ ва камчиликлари</b>	

## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки гоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади;
- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯҳий тартибда тақдимот қилинади.



ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

**Намуна:** “Динларни ўрганишда самарали услублардан бири минтақавий ёндашув” фикрга нисбатан муносабатингизни ФСМУ орқали таҳлил қилинг.

### “Тушунчалар таҳлили” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод қатнашчиларнинг янги мавзу буйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади, шунингдек мавзу буйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш,

баҳолаш мақсадида қўлланилади.

“Тушунчалар таҳлили” методини амалга ошириш тартиби:

- ишлирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тугри ва тулиқ изохини уқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир ишлирокчи берилган тугри жавоблар билан узининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Мавзуга оид тушунчалар таҳлили”**

Тушунча	Ҳал қилувчи куч	Самараси нимада акс этади	Ёндашувни илгари сурган олимлар
<i>Қиёсий динишунослик</i>			
<i>Виждон эркинлиги</i>			
<i>Дин социологияси</i>			
<i>Тотем</i>			

**Изоҳ:** Бўш устунларга қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлашда талабалар ёки қатнашчиларга қуйидаги маҳсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

Белгилар	1-матн	2-матн
“V” – таниши маълумот.		
“?” – мазкур маълумотни тушиунмадим, изоҳ керак		
“+” бу маълумот мен учун янгилик		
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршишман?		

Белгиланган вақт якунлангач, таълим оловчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот яқунланади.

### “Бумеранг” технологияси

**Максади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш кўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

#### Амалга ошириш босқичлари:

- Дастлаб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални 5 дақика давомида синчиклаб ўрганиш талаб этилади. .
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи гурӯҳ аъзоларини ўқилган маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 5 дақиқа вақт берилади.
- Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат бошқа кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларининг хар бири ўқиган маълумот ҳакқида фикр алмашиниш имконягини беради. Бу вазифа учун 10 дақиқа вақт берилади.
- Барча дастлаб шаклланган гурӯҳларга иштирокчилар қайтади, ва фикр алмашинган маълумот юзасидан бошқа гурӯҳларга бериш учун савол

шакллантиради.

5. Ҳар бир гурухдан 1 киши савол беради, ва тўғри жавоб учун 1-3 гача балл қўйилади.
6. Тренер-ўқитувчи барча гурухлар тўплаган балларни умумлаштириб, ғолиб гурухни эълон қиласди.
7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

**“Бумеранг” технологияси асосида вазифа:** Олинганди материални мазмунини тушуниб олишга харакат килинг, сўнг гуруҳда мухокама қилинг

<p><b>1- гурухга вазифа</b></p>	<p><b>Мультискрипт</b> бу ахборот узатишнинг ўзига хос шакли бўлиб, бир томондан катта ҳажмдаги видеоматериаллар билан ишлашни осонлаштирса, иккинчи томондан ўз ичига матн, аудио ва видео каби бир қанча медиавий форматларни олади. Бизни қизиқтирган видеотасма фрагменти ҳамда бу фрагментга тегшли транскрипти тез ва катта аниқликда танлаб олиш мумкин. Мультискрипт ўз ичига учта блокни олади – плеер, “стенограмма” ва “мазмун”. Видеоматериални кўриш учун плеер тагида жойлашган “Play” пиктограммасини босиш керак. Видеотасманинг бизни қизиқтирган фрагментини кўришни учйўл билан амалга оширса бўлади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- плеер тагида жойлашган курсор ёрдамида;</li> <li>- “Стенограмма” блокида мант фрагментини босиб;</li> <li>- “Мазмун” блокида сарлавҳани активлаштириши орқали</li> </ul>
<p><b>2- гурухга вазифа</b></p>	<p>Слайд-шоу. Фотолентадан шуниси билан фарқ қиласди, унда суратлар фотофильм режисимида мустақил равишда варақланади. Суратлар сценарий асосидаги кетма-кетликда қўйилади. Слайд-шоу овоз билан биргаликда аудио-иллюстрация элементларини, яъни аудиоцитаталар, шовқин, овозли эффектлар, ахборот билан тўйинтирилган матнни ўз ичига олиши мумкин. Визуал кетма-кетлик ихтиёрий. Улар воқеа жойидан олинган суратлар ёки архив кадрлари, ҳужсатлар, хариталар, скриншотлар, карикатуралар ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Бу технология репортаж, очерк, баъзида янгиликларни иллюстрация қилиши учун керак.</p>

<b>3-гурухга вазифа</b>	<p>Аудиослайд-шоу – замонавий сабаб журналистиканинг мультимедиявийлиги яратилган фотоиллюстрациялаширишининг синтетик варианти бўлиб, мустақил жсанрга айланди. Бу тушунча 2000 йилларда пайдо бўлган. Баъзи фотографлар фоторепортажларининг тақдимоти учун слайд-шоулардан фойдаланиб, унга тадбирда ёзиб олинган овозни қўллаганлар. Кейинчалик бу усулдан катта нашиётлар фойдалана бошладилар. Аудиослайд-шоу танлаб олинган фотосуратлар ва уларга қўйилган овоздан иборат. Овоз сифатида мусиқий композиция ёки муаллиф ўқиган матн бўлиши мумкин. Мазмуннинг асоси бўлиб, ташқи шовқин, овозли эфект, аудиоцитата ёрдамида берилган ҳикоя хизмат қилиши мумкин. Визуал қатор сифатида воқеа содир бўлган жойдан олинган суратлар, ёки архив кадрлари, ҳужжатлар, карикатуralар ва ҳ.к. олиниши мумкин.</p>
<b>4-гурухга вазифа</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Панорамали фотография – обзор бурчаги катта бўлган фотографиядир. Оммавий воқеаларни ёритшида, объектларни, пейзаж, жойларни тасвирга олишида уларнинг масштабини кўрсатшида актуалдир.</li> <li>- Интерактив фото – шундай фотографияки, унга маҳсус меткалар қўйилган бўлиб, уларни босганда матн, видео, ссылка, ижтимоий тўрларнинг статуслари чиқади.</li> </ul>

### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### **1 – мавзу: Ўзбекистоннинг ўзига хос истиқолол ва тараққиёт йўли.**

**Режа:**

1. XX аср 80-йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири.
2. “Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий ҳаракатлар.
3. Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши.

**Таянч сўзлар:** миллий қадриятлар, фуқаролар маънавияти, миллий кадрларнинг шаклланиши, жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиб бориш, шўролар мустабид тузуми.

#### **XX аср 80- йилларида совет давлатидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий таназзулининг Ўзбекистонга таъсири**

Ҳар қандай жамият тараққиёти, унинг у ёки бу замон ва макондаги даражаси қўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг маънавий-моддий, ижтимоий эҳтиёжлари ҳамда уларнинг қай даражада қондирилишига боғлиқ. Мустақиллик давригача ва ундан кейинги ўтган тарихан қисқа муддат ичида рўй берган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ва тарбиявий–мафкуравий соҳадаги ўзгаришлар бизга совет мустабид тузуми ҳамда истиқолол йилларида Ўзбекистоннинг реал ҳаётида ҳолисона жавоб излаш ва унга эришишга имкон беради.

Ўзбек миллий давлатчилик тарихи, энг аввало, маънавиятнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу азалий анъанага мустақиллик йилларида ҳам алоҳида эътибор берилиши муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш жоизки, истиқололнинг дастлабки йиллариданоқ маданиятнинг методологияси ўзгарди. Агарда шўролар мустабид тузуми даврида маданиятнинг асосий вазифаси жамият аъзоларининг коммунистик мафкура ва сохта ғояга эътиқодини мустаҳкамлашга сафарбар этиш бўлса, истиқолол даврида у тамомила бошқа мақсадга хизмат қила бошлади.

Бу омиллар энг аввало, мамлакат ҳукуматининг маънавий-маърифий омилларга нисбатан муносабати шаклланди. Жумладан, маърифий-маънавий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши, деб белгиланди. Жойларда маънавият билан боғлиқ тадбирларнинг амалга оширилиши учун бутун масъулият ҳокимлар, вазирликлар, идоралар, ташкилотларнинг биринчи раҳбарлари зиммасига юқлатилиши жуда катта ижтимоий аҳамият касб этди.

Иккинчидан, маънавияти юксак миллат ва давлатгина келажаги буюк бўлиши мумкин эканлиги тўғрисидаги ижтимоий фикр шакллана бошлади.

Учинчидан, маънавият ва маърифат жамиятни соғломлаштирувчи куч эканлиги эътироф этилди, зеро, совет мустабид тузуми давридан қолган “маънавий” меросдан халос бўлмай туриб, истиқлолга хизмат қиласидиган, фуқаролар қалби ва онгини янгилашга қодир маънавиятни шакллантириш мумкин эмас.

Тўртинчидан, истиқлол даври Ўзбекистон жамияти маънавиятининг энг муқаддас мақсадларидан бири-ўтмиш тарихий-маданий, илмий, ахлоқий-мафкуравий, ижтимоий-сиёсий қадриятларига советлар даврида таркиб топган муносабат каби “иллат” сифатида эмас, аксинча, жамиятни поклантирувчи ва келажакни маънавий жиҳатдан мустаҳкамловчи омил деб қарашдан иборат жамоатчилик фикри шаклланди.

Бешинчидан, истиқлол даврида маънавиятнинг ҳар қандай сиёсий ҳукмрон мафкуралардан холилиги, муҳими, шаклланаётган миллий мафкуранинг маънавият билан уйғунлиги таъминланди. Ҳақиқатдан ҳам, мустақиллик йилларида маънавият ва маърифатнинг ижтимоий мақсади аниқлаб олинди. Унинг бажарилиши лозим бўлган вазифалари белгиланди. Ана шундай шароитда жамият фуқаролари томонидан билдирилган ижтимоий эҳтиёж - маънавий-маърифий соҳаларда янги аср ва умуман, учинчи мингийилликдаги бош ғоя қандай бўлиши аниқланди.

Республика Марказ томонидан ишлаб чиқилган ва беш йиллик режаларда акс эттирилган йўл-йўриқларга амал қилишга мажбур эди.

Урушдан кейинги беш йилликларда кўрсатилган вазифаларга республика раҳбарияти томонидан баъзи аниқликлар киритиш ҳам Марказнинг руҳсати билан амалга ошириларди.

Беш йиллик режаларининг бажарилиши бир томонламалилик хусусиятларига эга эди. Асосий эътибор машинасозлик, металлургия, кимё саноатини ривожлантиришга, айниқса газ қазиб олишни ривожлантиришга ва кўпайтиришга қаратилганди. Марказнинг мўлжалига кўра, 1970 йилга келиб Ўзбекистон газ қазиб олиш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича иттифоқда учинчи ўринни машинасозлик ва металлга ишлов бериш ҳажми бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб, иттифоқни газ ва бошқа хом ашё билан таъминловчи республикага айланиши лозим эди. Республиkaning етакчи вилоятлари (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона) худудларида ягона энергетика тизими яратилган бўлиб, у иқтисодиётни, биринчи навбатда унинг устивор тармоғи – пахтачиликни юксалтириш учун база яратиши керак эди.

Урушдан кейинги беш йилликда ўртacha 100 ва ундан ортиқ саноат обьекти ишга туширилди. 1985 йилга келиб Ўзбекистонда 1500 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва комбинатлар бор эди. Бу даврга келиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан 20 баравардан зиёдроқ ошди.

Енгил ва озиқ-овқат саноатига қараганда, кўп тармоқли машинасозлик индустряси (тракторсозлик) кимё, кўмир, нефть, газ, кон-руда, олтин қазиб чиқариш, айниқса, энергетика саноати жадал ривожлантирилди. 60-80 йилларда Ангрен, Навоий, Чорток ва бошқа йирик электр станциялар барпо этилди. Чирчиқ – Бўзсув гидроэлектростанциялар каскади тикланди, унинг умумий қуввати 300000 квт.дан ортиқроқ эди. Ўрта Осиёда энг йирик – қуввати 3 млн.квт. бўлган Сирдарё ГРЭСи барпо этилди. Республикада электр қуввати ишлаб чиқариш 1985 йилдла 1940 йилга нисбатан 180 баравар кўпайди. Энергетика тармоғининг бу даражада ривожлантирилишига сабаб Марказнинг кундан-кунга республикадаги ер ости ва ер усти бойликларини

қазиб олиш, қайта ишлаш учун катта миқдорда электр қуввати керак бўлганлигига эди.

Машинасозлик ҳам жадал ривожланди, лекин бу том маънодаги машинасозлик эмас эди. Машинасозлик учун зарур бўлган барча эҳтиёж қисмлар мамлакатнинг Европа қисмидан олиб келинар ва йиғилар эди. Металлга ишлов бериш соҳаси ҳам шу йўсинда эди. Металл ҳам Россиядан олиб келинар эди. 80-йилларнинг бошларида республикада эҳтиёт қисмлар билан йиғиладиган 100 дан ортиқ корхона фаолият қўрсатарди. Улар орасида кудратли тракторлар ишлаб чиқарадиган Тошкент трактор заводи (ТТЗ), пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган «Тошқишлоқмаш» заводи, бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ишлаб чиқарадиган «Ўзбек қишлоқмаш», Чирчиққишлоқмаш, Тошкент экскаватор заводи ва бошқа корхоналар ишлаб чиқарадиган махсулотларга республикада ва ундан ташкарида талаб катта эди. Бу корхоналарнинг фаолияти асосан пахтачилик билан боғлиқ эди.

Ўзбекистонда етиштириладиган пахтанинг жуда оз қисми (4 %) шу ерда тайёр махсулот бўлиб чиқар, қолганлари метрополия тўқимачилик саноати корхоналарига берилар эди. Ўзбекистон метрополия учун хом ашё базаси бўлиб қолаверди.

Бу ерда нодир ва ноёб: олтин, мисс, қўрғошин, рух, вольфрам, уран, табиий газ, кўмир конлари очилиб, шулар негизида заводлар, нефть ва газ саноати корхоналари қурилди, янги шаҳарлар ва посёлкалар бунёд этилди. 60-70 йилларда йирик олтин қазиб чиқариладиган саноат яратилди ва тез ривожлана бошлади, олтин саралаш комбинати фабрикалари, мис қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналари ишга туширилди. Жаҳон андазаларига мос юқори пробали олтин олина бошланди. Лекин бу бойликлар охирги мисқолигача Марказга олиб кетилар эди. Республика ўз заминида қазиб олинадиган бирор-бир бойликнинг хўжайини эмас эди, бу неъматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас эди. Йирик саноат корхоналарининг асосий қисми (70%) хусусан рангли металлар ишлаб чиқариш тармоқлари Иттифоқ ҳукумати тасарруфида эди. Шуни таъкидлаш керакки ташиб кетилаётган

тайёр маҳсулотни ҳеч ким республика ҳукуматидан сўраб ўтирас эди. Масаланинг моҳияти ҳам шунда. Умуман ишлаб чиқариш жараёнларидан тортиб уни тасарруф ва ўзлаштиришни назорат қилиш фақат ҳақиқий «хўжайин»ларнинг ялпи назорати остида эди.

Ўзбекистон индустриясида кимё саноати устивор бўлиб, унинг тўнғичи Чирчик (1940) электрокимё комбинати, Кўқон (1947) суперфосфат, Самарқанд (1955) суперфосфат заводлари фойдаланишга топширилди, сўнгра Фарғона азотли ўғитлар, Навоий кимё, Олмалик кимё заводлари ишга туширилди. 50-60 йилларда кимё индустриясининг янги тармоқлари Андижондаги гидролиз, Фарғонадаги фурун бирикмалари, Янги йўлдаги кимё заводлари барпо этилди. 80 йилларда пластмасса, сунъий толалар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ишлаб чиқарадиган 20 корхона ишлаб турарди. 1985 йилга келиб Ўзбекистон СССРдаги кимё саноатининг 10 %ини ўзида жойлаштирига улгурган эди. Республика экологик ҳолатига жуда катта зиён етказди.

### **Саноатдаги ҳолатлар:**

- ◆ Саноатнинг бир томонлама ривожи;
- ◆ Маҳсулот (ялпи) ишлаб чиқариш суръати пасайиб борди;
- ◆ Турғунлик тамойиллари ортиб борди;
- ◆ Давлат режалари бажарилмади (1975 йилда 527 корхона бажармади);
- ◆ Маҳсулот сифати жаҳон стандартларидан пасайиб борди;
- ◆ Енгил саноат корхоналари «қолдик» принципига боғланди;
- ◆ Ишлаб чиқариш қувватлари пасайди (70%га);
- ◆ Ҳозирги замон (имм.техн.рев) ютуқлари жорий қилинмади;
- ◆ Иш вақтидан унумли фойдаланилмади (НОТ ёлғон эди);
- ◆ Маблағлардан самарали фойдаланилмади;
- ◆ Корхоналардан олиб кетиш (ўғрилик кучайди);
- ◆ «Социалистик мусобақа» кўз бўямачиликка айланди.

Т.Кардаш, М.Йўлдошева, Д.Кулматова, А.Девятова, М.Жўраева, Л.Казанцева, М.Муйидинов, Е.Губина, Ш.Холмуҳаммедова ... «байроқ»

«қаҳрамон» бўлишди.

- ◆ Моддий манфаатдорлик пасайди;
- ◆ Ишлаб чиқариш устидан мустабид тузум ва коммунистик мафкуранинг зўравонлиги;
- ◆ Ишчининг ижодий фаолиятига бефарқлик;
- ◆ Ишлаб чиқариш муносабатларидан ишчининг бегоналиги;
- ◆ Ижтимоий-сиёсий фаолликнинг пастлиги;
- ◆ Ўзбекистон худудининг 5% да 65% саноатининг жойлашуви;
- ◆ Саноатнинг хом ашёдан келадиган даромад ҳисобидан таъминланиши;

Хизмат кўрсатиш соҳаси паст ривожланди (қишлоқда) (1983 йил шаҳарларда 836000 ишсиз бор эди).

- ◆ Ташқаридан ишчилар оқиб келаверди;
- ◆ Кадрлар қўнимсизлиги;
- ◆ Малакали мутахассислар тайёрлаш сифати (ФЗТ, ХТТ фабрика-завод таълими, хунар-техника таълимида) пасайди.

Дехқонлар етиштирган махсулотларнинг ҳарид нархлари урушдан олдин қандай бўлса, шундайлигича сақланиб қолди, саноат махсулотларининг нархи эса 20 баравар ошли, натижада давлат қишлоқ хўжалик махсулотларини сув текинга оладиган бўлди.

### **“Пахта иши” қатағонларига барҳам бериш борасидаги амалий**

#### **ҳаракатлар.**

Л.И.Брежневнинг «оқ олтинни олтин қўллар яратади» деган сўзлари ва бошқа жуда кўп «қанотли» шиорларда олийжаноб халқнинг туйғулари ва меҳнатсеварлигидан аёвсиз фойдаланишдек империяча тамагирлик, унинг инсоний эҳтиёжларини назар-писанд қиласлий ётарди. Бу вақтга келиб пахта яккаҳокимлиги миллий иқтисодиётни ва қишлоқ аҳолиси саломатлигини кемирди. Марказ эса борган сари озиқ-овқат махсулотлари билан шартномаларини барбод этиб келарди. Озиқ-овқат билан ўз-ўзини таъминлашни талаб этарди. Марказ 2000 йилга келиб Ўзбекистонда пахта

ялпи ҳосилини 8 млн.тоннага етказиш дастурини ишлаб чиқсан эди.

Иқтисодиётдаги, маънавиятдаги, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча томонларига ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Мамлакат XX аср 80-йиллари ўрталарига келиб ғоят кескин танглик ёқасида туради.

Давлатнинг дехқонни талаш сиёсати ҳам давом этаверди, соликлар ҳам ошиб борди. Дехқон фақат битта сигир сақлаши мумкин эди, ҳар бир тўп мева дарахти ва ток учун солик тўлаш керак эди. Шахсий томорқалар миқдори ҳам камайиб борди, агар 1950 гача 0,25 га бўлса, 1950 йил 1 январдан бошлаб томорқа миқдори 0,12-0,15 га гача туширилди. Қишлоқ аҳолисига иш ҳақи тўлаш деярли йўқ бўлиб, меҳнат кунлари эса аввалгидай рамзий эди.

Дехқоннинг яшаш шароити урушдан олдингидек: бир жойдан икинчи жойга кўчиб бориши мумкин эмас, уларда паспорт йўқ, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлиги учун ҳақ олмайди, уларга меҳнат таътили ва пенсия таъминоти тадбиқ этилмайди, қишлоқ ижтимоий соҳаси бутунлай четда, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман йўқ, аҳоли ярим ҳароба, чайла, ер тўлаларда яшайди, тиббий хизмат йўқ, электр йўқ, радио йўқ, йўқ ва йўқлардан иборат эди. Махсулот эса давай, давай, давай эди.

Шунинг учун қишлоқ хўжалигининг аҳволи:

- инкиrozли ва фожиали бўлиб, аҳоли қашшоқ меҳнат унумдорлиги паст бўлгани ҳолда ҳукумат (марказий) 1946 йил февралида қарор қабул қилиб беш йилликда пахта тайёрлашни 2,5 баравар кўпайтиришни талаб қилди, режа топшириқларини бажармаслик эса «жиноий иш» деб баҳоланаарди.

Пахтачиликни ривожлантириш учун техникага эътибор кучайтирилди, 1949 йилда СХМ-48 русумли пахта териш машиналари ишлаб чиқарилиб унинг сони 1953 йилда 13813 тага етди. Пахта учун қўплаб янги майдонлар керак эди, 1949 йилнинг апрелида «Мирзачўлни янада ўзлаштириш тадбирлари тўғрисида» ҳукуматнинг қарори қабул қилинди, шу асосда 1951 йилда ўзлаштирилган ер майдонлари 281,4 минг ГА ни ташкил этди.

Пахта яккаҳокимлигини мустаҳкамлашга қаратилган сиёсат қишлоқ

хўжалигининг бошқа тармоқларига салбий таъсир кўрсатди. 1950 йилда 1940 йилга нисбатан дон етишириш 615,1 минг тоннадан 443 минг тоннага, узум 1302 минг тоннадан 840,2 минг тоннага, полиз экинлари 331,9 минг тоннадан 153,4 минг тоннага тушиб қолди.

80-йиллар ўрталаридан бошлаб компартия ва Совет давлати раҳбарияти «коммунизмга жадал юриш» мафкураси колхоз-кооператив мулки ўз имкониятларини тугатди деган фикрни кўтариб чиқди. Кооператив мулкни ижтимоий мулкка жадал «етказиб олиш» йўли билан «социалистик мулк»нинг икки шакли ўртасидаги тафовутни барҳам топтиришга қарор қилди, шунинг учун оммавий совхозлаштиришга ўтди. 1957 йилда республикада 479 жамоа хўжалиги негизида 82 та совхоз ташкил топди. 1960 йилга келиб, 1950 йилдаги 3316 колхоз 978 тага қисқартирилди, совхозлар эса 98 тадан 192 тага ортди, 1965 йилда эса 297 тага етди. Бу дехқонларнинг «ишчиларга айлантирилиши» эди. Марказий ҳукумат сиқуви билан, Ўзбекистоннинг «қолоқ» жамоа хўжаликлари 358,8 миллион сўм қарздор бўлишларига қарамай 1958 йил 1 майигача 78 та МТС 700 колхозга сотиб юборилди. Колхозлар йиллар давомида тўплаган бўлинмас жамғармаларидан ажralдилар. 1958 йилда қишлоқ хўжалиги техникасининг нархи 2 марта оширилган эди. Шу тариқа давлат ўз яроқсиз техникасини колхозларга сотиб олди, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар нархини кўтариб, колхозлар ҳисобига иқтисодий ахволини яна бир марта яхшилашга эришди.

Ўзбекистонда илм-фанни, хусусан, уни олий таълим тизимида ривожлантириш йўлида қатор концептуал камчиликлар, қийинчиликлар мавжуд эди. Биринчидан, СССР томонидан миллий республикаларда илм-фаннынг барча соҳаларини ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаат йўқ эди, зеро, бу нарса миллий кадрларнинг шаклланишига, пировард натижада миллий ўзликни англаш жараёнига таъсир этар эди. Иккинчидан, собиқ марказ миллий республикаларда асосан хом ашё соҳасини ривожлантиришга, асосан қишлоқ хўжалигида зарур бўлган илмий ишланмаларни тадқиқ этишга эътиборни қаратди. Учинчидан, олий таълим тизимида ижтимоий-

гуманитар фанлар асосан “ижтимоий буюртма” асосида “ривожланди”.

### **Сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши**

Республика ўз мустақилликини қўлга киритган пайтда мамлакат ичкарисида бўлгани каби унинг ташқарисида ҳам унга ишонмайдиган, шубҳа билан қарайдиганлар бор эди. Ана шундай зиддиятли ва мураккаб бир пайтда Ўзбекистон учун ўзига хос истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаш, янги жамият барпо қилиш учун ўз андазасини ишлаб чиқиш ғоят долзарб ва аҳамиятли эди. Бу борадаги дастлабки қадамлар 1990 йил март ойидаёқ собиқ иттифоқ республикалари ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда Президентлик бошқарувини ташкил этиш, ғоявий қарашлари, сиёсати янгиланаётган жамиятга мос бўлмаётган Ўзбекистон Компартиясини халқ демократик партияга айлантириш, ҳокимиятнинг аста-секин ва изчиллик билан партия идораларидан Президент, ҳукумат, маҳаллий идоралар қўлига ўтиши, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, миллий қадриятларнинг тиклана бошлагани эди.

Давлат Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўлини ишлаб чиқар экан, ўтмишдан, собиқ совет тузумидан мерос бўлиб қолган тажрибадан сабоқ чиқарди. Айни чоғда 90-йиллар бошларида, яъни мустақил тараққиётнинг дастлабки йилларида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислотҳотларни чуқур таҳлил қилинди. Шу асосда сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмун ва моҳиятидир, деган хulosага келинди.

Шу аснода қуйидаги тамойиллар вужудга келди:

**Биринчидан**, «Биз ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш борасида ўз йўлимиз бор, деб эълон қилдик.

«Бозор иқтисодиётига ўтар эканмиз, миллий-тарихий турмуши тарзимизни, халқимиз урф-одатларини, анъаналаримизни, кишиларнинг фикрлаш тарзини ҳисобга оламиз», - деди И.А.Каримов 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Олий Кенгашининг X сессиясида.

**Иккинчидан**, республикада ўзига хос маънавий-рухий вазиятдан келиб чиқиб иш тутилди. Чунки Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари йилдан-йилга ошиб борувчи минтақадир. «*Содда қилиб айтганда, одамларни шихонага эмас, шихонани одамларга яқинлаштиришимиз лозим*» - И.Каримов.

**Учинчидан**, Ўзбекистон тараққиёт йўлини ишлаб чиқиша ҳисобга олинди.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишида ижтимоий онг, ижтимоий психология масаласини ҳисобга олиш лозимлигини ҳам кўрсатиб берилди.

**Бешинчидан**, ҳукумат мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилашда ислом динига муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта-қайта уқтирди ва дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган.

Шундай экан, динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимиизда, айниқса, мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамият касб этади.

**Олтинчидан**, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш имконини берадиган бой моддий-маънавий ҳамда ишлаб чиқариш потенциалига ва кадрлар қудратига эга мамлакат эканлигидир. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан унумли фойдаланишда эди.

Ушбу ходисалар И.А.Каримов томонидан мунтазам тўлдирилиб, қадамба-қадам янги қоида ва йўл-йўриқлар билан бойитиб борилди. Хусусан, 1992 йил августда Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги тантаналари арафасида Президентнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида илмий жиҳатдан асослаб берилди.

Шунингдек, янгиланган жамиятда яшовчи кишининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмуш тарзини кафолотловчи йўллар ҳам кўрсатиб берилди.

Президент янгиланаётган жамият мазмун-моҳиятини кўрсатиш билан бирга долзарб вазифа қилиб, энг аввало бозор иқтисодига ўтиш масаласини

кўйди. Фақат иқтисодий давлатгина кучли бўлади ва у ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлади.

### **Назорат саволлари:**

- 1.«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарни илмий жиҳатдан асослаб беринг.
2. «Социалистик мусобақа» моҳиятини изоҳланг.
3. 80-йиллар ўрталаридан бошлаб компартия ва Совет давлати раҳбарияти «коммунизмга жадал юриш» мафкураси нимага асосланган?
4. Саноатнинг бир томонлама ривожи қандай юз берди?
5. Махсулот (ялпи) ишлаб чиқариш суръати пасайиб боришининг сабабларини изоҳланг.
6. Нима сабабдан турғунлик тамойиллари ортиб борди?

### **2 – мавзу: Ўзбекистонда бозор муносабатларининг шаклланиши, иқтисодий ислоҳотларнинг жадаллашуви.**

#### **Режа:**

1. Кучли ижтимоий сиёsat концепциясининг шаклланиши.
2. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари.
3. Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми.

**Таянч сўзлар:** ислоҳот, бозор муносабатлари, модель, хусусийлаштириш, сиёсий, сайлов, ислоҳот, иқтисод, босқич, ўзбек модели, тамойил, заҳира, хусусият, миңтақа, ижтимоий ҳаёт, маҳалла.

### **Кучли ижтимоий сиёsat концепциясининг шаклланиши**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг унинг олдида иккита тараққиёт йўли турарди. Биринчиси, эскича, режали хўжалик юритиш сиёsatни давом эттириш, яъни илгари мавжуд тартибларни тўлиқ сақлаб

қолиш; иккинчиси, собиқ социалистик, режали хўжалик юритишдан, маъмурый буйруқбозлик бошқарув усулидан батамом воз кечиш ва эркин иқтисодиётга ўтиш.

Шу нарса аниқки, ҳозир иқтисодий ривожланишнинг ҳаммабоп, ҳар қандай давлат учун бирдай тавсия этиш мумкин бўлган андозалари йўқ. Шу билан бирга мустабид шўро тузуми шароитида орттирилган бутун тажриба шундан далолат берадики, ҳар бир халқ ёки давлатнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демократик, табиий иқлим ва бошқа шароитларини, минтақаларнинг объектив фарқини ҳисобга олмайдиган сиёсий ва хўжалик тажрибаси инқирозга учраши муқаррардир.

Бундай шароитда Ўзбекистон учун ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга эга эди.

Табиийки, бунда Ўзбекистон жаҳон тажрибасидан ва ўз миллий қадриятларидан келиб чиқиши, лекин бирор-бир мамлакатдан кўр-кўронада нусҳа олишдан воз кечиши лозим. Зеро, дунёда бир-бирига ўхшашиб иккита одам бўлмаганидек, иккига бир-бирига ўхшашиб давлат ҳам бўлмайди.

Аммо, мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи учун бир нарса аниқ эди. У ҳам бўлса мустақил тараққиёт йўлини танлаб бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуриш. Жаҳон тажрибасини илмий таҳлил қилиш ва ақл-идрок шундан далолат бермоқда.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг бозор муносабатларига ўтиш ғоят мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, энг муҳими ижтимоий ларзаларсиз, қатъият ва изчилик билан жамики куч-кудрат ва бойликлардан самарали фойдаланиб, тараққий этган мамлакатлар қаторига чиқиб олишини таъминлайдиган кудратли иқтисодий заминни вужудга келтиришни талаб этарди. Албатта, бу муаммоларни дарҳол, бир зумда ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун узоқ давр, аниқ мақсад, фидокорона меҳнат ва энг асосийси аниқ-равшан дастур бўлиши зарур. Бундай аниқ дастурни ишлаб чиқиш учун бизда тажриба йўқ эди. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича бозор иқтисодиётига инқилобий (жадал) ёки тадрижий (эволюцион) йўл

билин яъни босқичма-босқич ўтиш мумкин. Биринчи ҳолда эски таркиб топган иқтисодий муносабатларни батамом синдириб ташлаш ёки “фалаж қилиб даволаш” (шоковая теропия) тушунилса, иккинчи ҳолда эса янгисини курмай, эскисини бузма деган асосда аста-секин янги тизимга ўтиш тушунилади.

Демак, тартибга солинадиган эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларигина эмас, балки унинг андозалари ҳам турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Масалан, Туркия, Германия, Жанубий Корея, Польша, АҚШ андозалари ва ҳоказо. Жумладан “америкача андозада” эркин бозор муносабатлари кучли роль ўйнаса, япон на француз андозаларида хўжалик фаолиятини ташкил қилишда давлатнинг иштирокига катта аҳамият белгилади. Немис ва щвед андозаларида устивор йўналиш ижтимоий соҳа ҳисобланади. Лотин Америкаси ва Африканинг ривожланаётган мамлакатлари эса асосий эътиборни иқтисодиётни барқарорлаштиришга, бюджет камомадини қескин камайтиришга, илк босқичда нарх-навони эркин қўйиб, кейинчалик таркиби ўзгаришларни амалга оширишга қаратилади.

Ўзбекистон жаҳондаги кўплаб мамлакатлар тажрибасини ўрганиб, уларнинг бизга мос келадиган ижобий томонларини олиб ўз халқи амалиётига таянган ҳолда ўзининг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлини танлаб олди.

Шунинг учун ҳам у халқ томонидан жуда илиқ кутиб олинди ва бажарилмоқда. Шунинг учун ҳам ислоҳатлар стратегияси ва устивор йўналишларни белгилаб олишда бозор асосларини вужудга келтириш, мулкчилик муносабатларини ўзгартириш, бозор инфратузилмаларини шакллантириш, молия ва банк тизимини қайта ташкил этиш, барча даражалардаги бошқарувнинг мутлақо янги тизимини барпо этиш асосий вазифалар қилиб кўрсатилди.

Хўш! Иқтисодий ислоҳатлар қачон, қандай шароитда самара беради? Қачонки, хуқуқий меъёр ва қоидалар билан таъминланса, қонунлар билан кафолатланса. Бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш. Бу фақат

ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки хуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос ҳусусияти ҳамдир. Шу билан бирга бу узоқ давом этадиган, мураккаб ва муттасил такомиллаштирилиб борадиган жараёндири.

Хозир Ўзбекистонда иқтисодий муносабатларни ислоҳ қилишнинг хуқуқий асосларини яратувчи ўнлаб қонун хужхлтлари қабул қилинган. Булар “Мулкчилик тўғрисида”, “Корхоналар тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Соликлар тўғрисида”, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестенсиялари тўғрисида” ва бошқа қонунлардир.

Бозор иқтисодини ривожлантириб ва такомиллаштириб бориш унинг хуқуқий таъминланишини ҳам мустахкамлаб боришни тақозо этади. Демак, қонунлар ҳаётӣ, амалиёт оиласи ўзвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи керак. Шу билан бирга қонун хужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучтга эга бўлиши ҳам лозим. Бунинг учун эса қонунлар пишиқ-пухта бўлиши, масала кўрилаётганда сансанорликни камайтириши керак.

Шунинг учун ҳам қонунга бўйсуниш бозор муносабатларига ўтишнинг барча амал қилиши керак бўлган етакчи тамойилларидандир. Зеро қонунчилик ва хуқуқ-тартибот тантана қилмас экан, хуқуқий давлат қуришни тасаввур қилиб бўлмайди. Иқтисодий ислоҳотларнинг хуқуқий асосларини яратилиши ҳам бозор муносабатларининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, дунёдаги ҳамма мамлакатлар учун мақбул бўлган бир хил тараққиёт йўли, бир хил андоза бўлиши мумкин эмас. Ҳозирда бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари мавжуд бўлиб, улар барча мамлакатларни битта манзилга-эркин бозор иқтисодиёти тизимиға олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал – иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий ҳусусиятлари ҳам мавжуд бўлади. Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт

моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Натижада ўзига хос йўлни танлаш муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўли назарий ва амалий жиҳатдан пухта белгилаб олинди. Бу барча тамойиллар демократик ва иқтисодий қайта ўзгартишлар жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамият касб этиб, ҳаёт синовидан ўтди. Амалий ислоҳотлар жараёнида, хусусан XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизни жадаллаштириш мақсадида бу тамойиллар Олий Мажлиснинг XIV сессиясида (1999 йил 14 апрель) куйидаги олтита устувор йўналиш билан тўлдирилди:

- Мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш.
- Жамият маънавиятини янада юксалтириш.
- Кадрлар масаласи.
- Халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилиш.
- Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш.
- Жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фукаролараро тутувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мамлакатимиз яхлитлигини таъминлаш.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти Ўзбекистон давлат суверенитетининг иқтисодий асоси бўлиб қолди. Бу йўлни шакллантириш учун иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишга киришилди. Аввало, иқтисодий ислоҳотларнинг қўйидаги стратегик мақсадлари белгилаб олинди:

- ✓ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодини босқичма-босқич шакллантириш, миллий бойликларнинг ўсишини, кишилар турмуши ва фаолияти учун муносиб шароитни таъминлайдиган кучли ва мунтазам ривожланиб борувчи иқтисодий тизим яратиш;

- ✓ кўп укладли иқтисодиётни яратиш, кишининг мулқдан бегоналашувини бартараф этиш, ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг ҳар тарафлама ўсиши учун асос бўладиган хусусий мулкчиликнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- ✓ корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик ишларига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашувидан воз кечиш, иқтисодни бошқарувнинг маъмурӣ-буйруқбозлик усулларини йўқ қилиш, иқтисодий воситалар ва рағбатлантиришларни кенг қўллаш;
- ✓ моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни, рақобатбардош тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва жаҳон иқтисодиёт тизимиға кириб боришини таъминлайдиган чуқур иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш;
- ✓ иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- ✓ жаҳон иқтисодий тизимиға қўшилиб бориш;
- ✓ кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгаририш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини қўллаш соҳалари ва шаклларини ўзи мустақил белгилаб олиши учун имконият яратиш.

Стратегик мақсадлар асосида иқтисодий ислоҳотларнинг асосий ва муҳим томонлари аниқ белгилаб олинди. Энг аввало, бирмунча ўткир ижтимоий-иктисодий муаммоларни яқин вақтлар ичida ҳал этишга ёрдам берадиган асосий тармоқларни ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар қўйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- ✓ мулкий ислоҳотлар;
- ✓ институционал ва молия – кредит ислоҳотлари;
- ✓ аграр ислоҳотлар;
- ✓ ташқи иқтисодий фаолият ислоҳотлари;
- ✓ ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий омилларидан бири

бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Шу боисдан ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратишга алоҳида эътибор берилди. Шу нуқтаи назардан дастлабки вақтнинг ўзида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий негизини барпо этадиган 100 ортиқ асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Бу қонунларни мазмун-моҳияти жиҳатидан қўйидаги йўналишга бўлиш мумкин:

1. Ўзбекистоннинг давлат ва унинг иқтисодий мустақиллигининг ҳуқуқий негизларини яратиш, давлатни бошқарув қоидаларини тартиба солувчи қонунлар. Ана шу йўналишда “Ўзбекистан Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”, Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

2. Мулкчилик муносабатлари ва кўп укладли иқтисодиётни шакллантирувчи қонунлар. Бу йўналиш доирасида мулкчилик тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, ер тўғрисида, ижара тўғрисида, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

3. Хўжалик юритишни тартиба солувчи қонунлар, яъни хусусийлаштириш, мулкчилик, тадбиркорлик, корхоналар, фермер хўжалиги, дехқон хўжалиги, ширкат хўжалиги тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бозор инфратузилмасини яратувчи ва унинг фаолиятини тартиба солиб турувчи банклар ва банк фаолияти, пул тизими, тадбиркорлик, суғурта, биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилинди. Корхона билан давлат ўртасидаги, корхоналар ўртасидаги муносабатларни йўлга қўювчи қонунлар, Солик кодекси, Божхона кодекси, монополистик фаолиятни чеклаш, корхоналарнинг банкрот бўлиши ҳақида қонунлар қабул қилинди, Хўжалик – процессуал кодекси ишлаб чиқилди, хўжалик суди тузилди.

4. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи

хуқуқий нормалар яратилди. Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида қабул қилинган қонунлар, халқаро пакт ва битимлар, уларнинг Ўзбекистон томонидан имзоланиши мамлакатимиз ташқи алоқаларининг ривожланиши тарихида янги саҳифа очди.

### **Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг шаклланиши, унинг йўналишлари, босқичлари ва хусусиятлари**

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш мулкчилик шаклларининг, кўп укладли аралаш иқтисодиёт тузилмаларининг хилмажиллигига асосланади. Бу рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч эканлиги, у кўп сонли бозор субъектларини талаб қилиши билан изоҳланади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунида мамлакатимизда мулкчиликнинг қўйидаги шакллари амал қилиши белгилаб берилди:

1. Хусусий мулк. У ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хуқуқидан иборат.
2. Ширкат (жамоа) мулки оилавий мулкни, маҳалла мулкини, шунингдек кооперативларнинг, ижара, жамоа корхоналарининг мулкини, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг, турли хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳисобланган бошқа бирлашмаларнинг мулкини ўз ичига олади.
3. Ўзбекистон Республикасининг давлат мулкига маъмурий худудий тузилмаларнинг мулки (коммунал мулк) киради.
4. Мулкнинг аралаш шакллари.
5. Кўшма корхоналар, чет эл фуқаролари, ташкилотлари, давлатларининг, шу жумладан чет эл юридик шахсларининг мулки<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шакллари teng ҳуқуқли эканлиги Конституцияда белгилаб қўйилган.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичи юмшоқ монетар сиёсатнинг амалга оширилиши билан тавсифланади. Ягона рубль худудида

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистоннинг янги қонунлари: Мулкчилик тўғрисидаги қонун. 1-сон. – Т.: Адолат, 1991.

туриб таклифнинг пасайиши оқибатларини юмшатиш, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайишига йўл қўймаслик учун марказлашган ва имтиёзли кредитлар ёрдамида ишлаб чиқаришни субсидиялашга мажбур бўлинди. Шунингдек, миллий валютанинг оширилган алмашув курсини директив тарзда ўрнатиш, бирламчи эҳтиёждаги асосий товарларга нархни марказлашган ҳолда белгилаш ва уларни карточка тизими ёрдамида тақсимлаш орқали истеъ-мол ҳам субсидияланди. Мамлакатнинг ташқи савдо сиёсати ички бозорни товарлар билан тўлдириш ҳамда инфляцияни пасайтириш муаммосининг ҳал қилинишини кўзлар эди. Хусусан, бу даврда импорт сиёсати нотариф чеклов-ларининг мавжуд эмаслиги ҳамда импорт тарифларининг юқори бўлмаган (бож-хона қийматининг 5-10 фоиз) даражаси билан тавсифланади.

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини давлат томонидан қўллаб-куvvатлаш, ташқи савдони узоқ хорижий мамлакатлар бозорларига йўналтириш ва шок терапиясидан воз кечиши натижасида дастлабки босқичда иқтисодий пасайиши нисбатан катта бўлмади. 1993-1994 йилларда Ўзбекистоннинг реал ялпи ички маҳсулоти 1991 йилга таққослаганда 17,7 фоизга пасайиб, бу кўрсаткич собиқ иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда анча паст эди.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтган мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим таркибий ўзгаришларни амалга оширишда инвестиция фаолияти алоҳида аҳамиятга эга.

Самарали инвестиция сиёсатини амалга ошириш мақсади томон ҳаракат иқтисодий ривожланишнинг турли босқичларидаги устувор йўналишлар ва мақсадга эришиш механизмларини ўзgartириб борди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи (1991-1995 йиллар) ЯИМ ҳажмининг камайиб кетиши, миллий валюта девальвацияси ва инфляция суръатларининг ўсиб бориши, ривожланишда юқори даражада бекарорлик билан ажralиб турди. Инвестиция ҳажми ва кўлами қисқариб кетди. Бундай ҳолатда хорижий инвестициялар улушкининг катта қисми турли грантлардан

иборат бўлиб, тўғридан-тўғри инвестициялар деярли мавжуд эмас эди.

Республика бюджет маблағларининг инвестиция қилинган асосий қисми (95 фоиз) давлат секторига, иқтисодиётнинг устувор ривожланиш соҳаларига, стратегик муҳим объектларни қуришга йўналтирилди. Шунингдек, республика бюджети ҳаражатлар қисмида салмоқли қисми (57,3 фоизгача) кадрлар тайёрлаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш каби давлат дастурларига ажратилди. Давлат назорати остида иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим тармоқлар молиялаштирилди.

Экспорт ҳажмининг қисқариши ялпи жамғарманинг қисқаришига олиб келди. Ўша йилларда мавжуд жамғарма ва уларни инвестицияларга трансформацияси самарали амалга оширилмади. Натижада асосий капитални кўпайтириш ва самарадорликни оширишга асосланган иқтисодий ўсиш секинлашди.

Иқтисодиётни, шу жумладан, нарх ташкил этишни эркинлаштириш, давлат мулкини хусусийлаштириш, ташки иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва иқтисодиётга давлат аралашувини чеклаш ислоҳотларнинг асосий йўналишлари сифатида амалга оширилди. Мустақил тараққиёт даврининг дастлабки палласидаги инвестиция жараёнларида қуйидаги масалалар ҳал этилди:

- амалга оширилаётган инвестиция ҳажмларининг қисқариб кетишига барҳам бериш ва барқарорлаштириш;
- инвестиция жараёнларини давлат бюджет орқали молиялаштиришни қисқартириш;
- давлат кафолати остида хорижий инвестицияларни жалб этиш;
- инвестиция жараёнларига мамлакат аҳолиси ва тижорат банкларини кенг жалб этиш.

Давлат инвестиция сиёсатининг 1991-1995 йиллардаги муҳим жиҳатлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- кучли молиявий сиёсат олиб бориб, давлат бюджети дефицити минимум даражага олиб келинди;
- бюджетдан молиялаштириш ўта муҳим, давлат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган биринчи даражали эҳтиёжларга нисбатан қўлланилди;
- иқтисодиёт тармоқларини, йирик корхоналарни ривожлантириш мақсадида бюджетдан беғараз ёрдам бериш амалиётидан воз кечилди, бунинг ўрнига инвестиция кредитларидан кенг фойдаланилди;
- Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқлари жаҳон бозорида миллий маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш ва малакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида ҳар томонлама қўллаб-қувватланди;
- марказлаштирилган инвестициялар бошқа ишлаб чиқариш ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган, маҳаллий етказиб берувчи ва истеъмолчиларни қўллаб-қувватлайдиган устувор инвестиция лойиҳаларга йўналтирилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичи (1996-2003 йиллар)да инвестиция сиёсатининг мақсади ва устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

- иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш мақсадида нобюджет манбалар орқали хусусий секторга инвестициялар амалга оширилди;
- чет эл инвестицияларини жалб этиш ва маҳаллий инвесторлар фаолиятини кенгайтириш мақсадида қулай инвестицион муҳит яратилди;
- инсон капиталига, хусусан, таълим тизимига қилинадиган инвестиция миқдори кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси қатор давлатлар ва хорижий шахслар ўртасида инвестиция баҳсларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Вашингтон конвенциясига, инвестициялар кафолати бўйича Сеул конвенциясига қўшилди, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банкига аъзо бўлди, Жаҳон савдо ташкилотига кузатувчи сифатида қабул қилинди. Бир қанча хукуматлараро инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш, иккиёқлама солиқ солмаслик каби келишувларни имзолади.

1996 йилдан бошлаб корхона ва ташкилотлар инвестиция фаолиятини

жадаллаштириш учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун ҳар йили Инвестиция дастури ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қўйидагилар инвестиция сиёсатининг асосий натижалари бўлди:

- Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Асака шахрида автомобиль заводи қурилди;
- Нукус, Элликқалъа, Самарқанд ва Наманганда йирик тўқимачилик мажмуалари фойдаланишга топширилди;
- Навоий-Учқудук-Султонуиздоғ-Нукус ва Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл линиялари қурилди;
- Тошкент-Андижон автомобиль йўлининг Қамчик довонидан ўтадиган қисми реконструкция қилинди;

Бу даврда замонавий «ЎзДЭУавто» заводининг ишга туширилиши билан автомобильсозлик саноати ташкил этилди, бу эса иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартирилишининг асосий якуни бўлди. «СамКочавто» (автобуслар ишлаб чиқариш), «Кабул-ЎзбекКо» (пахта толасини қайта ишлаш), «ЎзСамсунг Электроникс» (маиший электрон аппаратура), «Нестле Ўзбекистон» (озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар), «Олтин Дери», «Шарк-текс», «Супертекстиль» тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги кўшма корхоналар ишга туширилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи (2004-2011 йиллар)да ЯИМ барқарор суръатларда ўсида ва 7 фоиздан ортиқни ташкил этди. Асосий капиталга киритиладиган инвестициялар 2006 йилдан бошлаб ортиб борди ва 2008 йилга келиб деярли 30 фоизга ошиди<sup>2</sup>.

2005 йилга келиб янги иқтисодий ҳолат республика инвестиция фаолиятида янги вазифаларни қўйди. Улар қўйидаги вазифаларни ечишга қаратилган эди:

- тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари улушини ошириш;

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2005-2011 йиллар маълумотлари асосида хисобланган.

- йирик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштиришни таъминлаш ва уларни амалга оширишни таъминлайдиган йирик иқтисодий агентларни ташкил этиш;
- юқори қўшилган қийматни ишлаб чиқарувчи тармоқларга инвестицияларни жалб килишни кўпайтириш юзасидан шароитлар яратиш;
- инвестиция дастурини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш;
- соғликни саклаш ҳамда бошланғич ва ўрта таълим соҳаларида йирик инвестиция лойиҳаларини ўзлаштириш;
- инвестиция фаолиятининг ривожланишида қимматли қофозлар бозори ролини кучайтириш;
- трансакцион харажатларни камайтириш;
- валюта маблағларини конвертация қилиш механизмини янада либераллаштириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» (11.04.2005), «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» (21.07.2005), «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» (02.05.2006), «Навоий вилоятида эркин иқтисодий-индустрисал ху-дудни ташкил этиш тўғрисида» (02.12.2008), «Кичик бизнес ва хусусий тадбир-корликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакл-лантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (24.08.2011), «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (10.04.2012), «Ангрен маҳсус индустрисал ҳудудини ташкил этиш тўғрисида”ги (13.04.2012) фармонлари ва бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг учинчи босқичи 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароити ва таъсирида амалга

оширилди. Мазкур инқирознинг Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз натижасини берди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичида ўзлаштирилаётган инвестициялар ҳажми ўсишида қуидаги омиллар асосий аҳамиятга эга бўлди:

- солиқ юкининг пасайтирилиши;
- корхоналарни хомашё ресурсларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайтирилиши;
- чет эл инвестицияларининг ҳудуд ва тармоқ йўналишларига кўра тақдим этилаётган солиқ ва имтиёзлар ролининг оширилиши;
- ҳудуд ва тармоқ инвестиция дастурларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши.

Инвестициялар ҳажми 2011 йили 2003 йилга нисбатан 3,1 баробарга ортди. Бунда бюджетдан ташқари жамғармалар инвестициялари 54,6 баробар кўпайди. Бу, биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони билан боғлик бўлди.

Жамғарманинг асосий вазифаси қилиб иқтисодиётнинг етакчи, тармоқларини модернизациялаш ва техниковий қайта қуроллантириш билан боғлик лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга эришиш, шунингдек, самарали таркибий ва инвестициявий сиёsatни амалга ошириш деб белгиланди.

Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида инвестицияларнинг барқарор ўсиши Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги, ташқи инқирозлар таъсирини минималлаштириш имкониятига нисбатан хорижий инвестор-ларнинг ишончи юқорилигидан далолат беради. Чунончи, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари 2011 йили 2003 йилга нисбатан 8

баробарга кўпайди.

Ислоҳотларнинг учинчи босқичида бир қатор йирик инвестиция лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилди. Жумладан, Шўртан газ-кимё мажмуаси ишга туширилди, Навоий шаҳридаги аэропорт реконструкцияси якунланди, «Тошғузор-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли ишга туширилди, Олмалиқ тоғ-кон металлургия комбинати реконструкция қилинди, Резаксой сув омбори қурилиши тутатилди.

Инвестицияларнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича таркиби ўзгарди. 2003 йилга нисбатан солиштирганда, инвестициялар машинасозликда 12,2 баробар, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 10,2 баробар, ёқилғи-энергетика маж-муида 5,4 баробар, озиқ-овқат саноатида 4,2 баробарга ортди. Шунингдек, бу даврда инвестиция сиёсатида ҳал этилиши лозим бўлган қатор масалалар, жумладан, ички манбалар, хусусан аҳоли жамғармалари орқали инвестиция жараёнларини фаоллаштириш, юқори қўшилган қиймат маҳсулотлари, айниқса, юқори технологик маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларига инвестиция-ларни амалга ошириш, мелиорация ва дренаж ишларига маблағлар жалб этиш, иккиламчи қимматлар қофози бозорини ташкил этиш, инновацияларни яратишга инвестиция ресурсларини жалб этиш кабиларга алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро кузатувчилар Ўзбекистоннинг инвестицион фаоллиги ва ривожланиш йўли тўғри эканини эътироф этдилар. Ислоҳотларни амалга оши-риш қийинчиликлари ва ҳар бир босқичнинг ўзига хослигига қарамасдан, Ўзбе-қистон МДҲ давлатлари орасида яхши кўрсаткичларга эришди. Мамлака-тимиизда инвестиция ҳажми бўйича бошқа МДҲ давлатлари каби кескин паса-йишлилар рўй бермади ва МДҲ давлатлари ичida 1995 йилдан бери инвестиция ҳажми индекси салбий миқдорни кўрсатмаган ягона давлат саналади<sup>3</sup>.

Мустақилликка эришиш арафасида ва мустақил тараққиётнинг дастлабки палласида иқтисодиётимиизда жиддий таркибий деформациялар

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2004-2011йиллар маълумотлари асосида хисобланган.

мавжуд бўлиб, улар орасида саноатнинг ҳаддан ортиқ тарзда хом ашёга йўналтирилгани ажralиб турарди.

Ўзбекистон олдида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий таркибини тубдан қайта қуриш, хом ашё ва қайта ишловчи соҳалар ўртасидаги номутаносибликларни бартараф этиш, жаҳон хўжалигига кириб боришга қодир бўлган диверсифика-цияланган саноат комплексини шакллантириш муаммолари пайдо бўлди. Тар-кибий ўзгартеришларнинг устувор вазифаси - саноатнинг ва алоҳида импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришнинг стратегик жиҳатдан муҳим базавий соҳа-ларини қўллаб-куватлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш эди.Хукумат томонидан жорий жараённинг воқеликларини объектив жиҳатдан ҳисобга олишга асосланган ва ўтиш давридаги йўқотиш-ларнинг минимал даражасини таъминлайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқарилди ва амалга оширилди.

Шуни таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг асосий соҳалари бўлган энер-гетика, нефть ва газ саноати, олтин қазиб олиш ва кимё саноатини, қора ва рангли металлургия корхоналари қаторида қайта ишлаш саноати соҳаларини жадал суръатлар билан ривожлантириш, қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида мамлакатнинг асосий табиий ва минерал хом ашё ресурсларини қўпроқ ишлаб чиқаришга жалб қилиш устувор вазифа ҳисобланади. 1999 йилдан бошлаб иқтисодиётнинг реал секторида мулкчиликнинг янги шаклига ўтиш бўйича чоралар амалга оширилди. Бунинг учун иқти-садиётнинг асосий соҳалари бўлган ёқилғи-энергетика мажмуаси, металлургия саноатининг йирик корхоналари хусусийлаштирилди. Иқтисодиётнинг асосий соҳаларидаги йирик инвестицион лойиҳаларининг рӯёбга чиқарилиши ва янги қайта ишловчи корхоналарнинг фаол жалб қилиниши иқтисодиётдаги ўсиш даражасини бир меъёрда ошишига туртки бўлди. Саноат маҳсулотлари экспор-тининг ошиши ҳисобига ижобий тўлов баланси шаклланди, ва олтин захиралари ошди. Валюта бозорининг либераллаштирилиши ва шунинг

доирасида 2000 йилга қадар давлат валюта алмаштириш курси ва валюта операцияларини қатъий маъмурий назорат қилиш экспорт ҳажмининг кўпайишини ва чет эл валютаси кириб келиши рағбатлантириди<sup>4</sup>. Миллий валютани девальвация қилиш, унинг конвертация бўлишини таъминлаш орқали биржадан ташқари айирбошлиш курсларини унификация қилиш масалалари ҳал этилди<sup>5</sup>.

Валюта бозорининг либераллаштирилиши билан бир қаторда, иқтисодиёт-нинг реал секторига нисбатан пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш ва банк тизимини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Ва-люта сиёсатининг либераллаштирилиши ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан солиқ йигимларининг камайиши ўша даврдаги ўзгаришларнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Жорий экспорт-импорт операциялари бўйича валю-та конвертациясининг муомалага киритилиши хорижий инвестициялар жалб қи-линиши ва шу асосда қўшма короналарнинг ривожланиши динамикасига ижо-бий таъсир кўрсатди. 1996-2003 йилларга қадар чет эл инвестициялари асосида ишловчи корхоналар (ЧЭИАИК) сони 2,1 марта ошди. Таркибий ўзгаришлар-нинг биринчи босқичида савдо фаолиятида чет эл инвестицияси асосида ишлов-чи савдо ва воситачилик корхоналари ташкил этиш лойиҳаларига кўпроқ эъти-бор берилган бўлса, кейинги босқичда саноатда шу (ЧЭИАИК) корхоналарнинг улуши ошиши кузатилди. Ҳозирда республикамизда ишлаётган корхоналарнинг 55 фоиздан ортиғи иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш секторига тўғри келди.

Шундай қилиб, 2004-2007 йилларда таркибий ислоҳотлар кўламини янада чукурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича стратегик вазифа илгари сурилдики, улар экспортга мўлжалланган тараққиётни

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республики Президентининг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сонли “Экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.

<sup>5</sup>Амалга оширилган миллий валюта девальвацияси натижасида миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари нархлари пасайди, ички нарх-наво структураси такомиллаштирилди, параллель бозор тутатилди ва буларнинг барчаси макроиктисодий индикаторларда ўз аксини топди, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқими сезиларли даражада кенгайди ва ҳоказо.

таъминлаши лозим эди<sup>6</sup>. Бундай устувор вазифанинг амалга оширилиши қуидагилар асосида иқтисодиёт таркибида янада сифатли ютуқларга эришишни тақозо этади:

- қўшилган қиймат ўсиши механизмини такомиллаштириш, соҳалар ичидағи ютуқлар унумини ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига ялпи ички маҳсулот таркибида саноат улушини ошириш;
- ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилашга, янги қўшма корхоналар ташкил этишга йўналтириладиган тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини кенг кўламда жалб қилиш;
- мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортини янада рағбатлантириш, бу, ўз навбатида, экспорт-импорт операцияларини божхонанархлар ёрдамида бошқаришни такомиллаштиришни, божхона тўловларини унификация қилишни, солиқ ва божхона бошқарувини соддалаштиришни тақозо этди.

Бу даврда олдинги босқичларда яратилган иқтисодий салоҳиятни янада ривожлантириш учун шароит яратиш бўйича мунтазам чоралар давом эттирилди ва тайёр маҳсулот экспортини янада рағбатлантириш чоралари амалга оширилди.

Хусусийлаштириш жорий босқичининг ўзига хос жиҳати шундаки, давлат мулкининг, биринчи навбатда биржа бозорларида асосий соҳалар корхонала-рининг акцияларини сотиш имкониятлари кенгайди, танловли савдолар ўtkазиш ва инвесторлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш механизми жарий этилди. Натижада, бу ҳолат активларнинг янги эгаларига фақатгина хусусийлаштири-лаётган обьектнинг қайтарма қийматини (корхонанинг ўзини, акциялар пакетини ва ҳоказо) тўлаш мажбуриятини эмас, балки уни ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мажбуриятини ҳам юклади.

2008-2011 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти жаҳонда юз берган молиявий инқироз шароитида ривожланди, «иқтисодиётимизнинг жаҳон

<sup>6</sup>Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. Т.: 2005.

хўжалик ва молиявий-иқтисодий алоқаларга ўсиб бораётган суръатлар билан киришиб кетаётгандигини ҳисобга олганда жаҳон инқирози, биринчи навбатда унинг оқибатлари бизга салбий таъсир кўрсатди ва кўрсатиб келмоқда. Биринчи навбатда бу таъсир экспортга йўналтирилган асосий соҳаларнинг ва улар билан боғлиқ бўлган ўхшаш ишлаб чиқаришларнинг фаолиятида экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг муҳим турларига жаҳон бозорида талабнинг кескин камайиши ва нархларнинг тушиб кетиши билан ўз аксини топмоқда. Бу эса ўз навбатида умуман иқтисодиётнинг мувозанатлашувига ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда, мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишда, кўйилган мақсадларга эришишда муаммоларни юзага келтирмоқда»<sup>7</sup>.

Глобал молиявий инқирознинг салбий таъсирини енгиб ўтиш мақсадида хукумат томонидан 2008 йилдаёқ Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.<sup>8</sup>

Дастурга кўра, биринчи навбатда, экспорт қилувчи корхоналарнинг барқарор ишлашини қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.


Ички талабни рағбатлантириш бўйича ҳам тегишли тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга кўра маҳаллий ишлаб чиқарувчилар салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш мақсадида маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ҳажмини 3,5-4 баравар ошириш кўзда тутилди.

Иқтисодиёт саноат секторининг жадал ўсиш суръатлари Ўзбекистон иқтисодиётидаги таркибий қайта ўзгартиришлар ижобий динамикасини таъминлади. Умуман олганда, 1995-2011 йилларда саноатнинг ЯИМ таркибидаги улуши 17,1 фоиздан 24 фоизгacha ўсди (1-расм.)

### **1-расм. 1995-2011 йилларда ЯИМ таркибидаги ўзгаришлар динамикаси (фоиз ҳисобида)**


<sup>7</sup>Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2009.

<sup>8</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 ноябрдаги ПФ-4058-сонли «Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида» Фармони.



Иқтисодиётдаги таркибий қайта ўзгартиришларнинг самарадорлиги экспорт таркибида эришилган ижобий силжишлар билан белгиланган. 1995-2011 йилларда хом ашё экспортиning улуши сезиларли даражада, жумладан пахта толаси 48,4 фоиздан 9 фоизгача камайди. Тайёр маҳсулотлар улуши умуман олганда 7,1 фоиздан 34,6 фоизгача ошди, шу жумладан машиналар ва асбоб-ускуналарнинг улуши 2 фоиздан 6,7 фоизгача, тўқимачилик маҳсулотлари 3,1 фоиздан 9,7 фоизгача, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,7 фоиздан 13,2 фоизгача ошди (2-расм.)

**2-расм. 1995-2011 йилларда Ўзбекистон экспорти таркибидаги ўзгаришлар динамикаси.**



Шу йилларда иқтисодиётнинг саноат тармоғида нодавлат секторининг роли кескин равища ўзгарди. Нодавлат корхоналарининг саноат субъектларининг умумий сонидаги улуши 1991 йилдаги 17 фоиздан 87 фоизгача ошди,

улардан 30 фоизи хусусий корхоналардир. Ҳозирги пайтга келиб, нодавлат корхоналарида саноат ишлаб чиқариш ходимларининг 80 фоиздан ортиғи жамланган бўлиб, бу ерда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг 70 фоиздан ортиғи улар томонидан шаклланади.

### **Иқтисодий ислоҳотларнинг беш тамойилининг амал оширилиш механизми**

Ўзбекистонинг ўз янгиланиш ва таракқиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойилларидан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишdir. Бунда ҳар қандай иқтисодий ислоҳотнинг натижаси ҳалқ манфаатлари ва унинг ижтимоий ҳимоясини таъминланишга қаратилган.

Мустақилликкача бўлган даврда, хусусан, собиқ иттифоқнинг мустабид сиёсати натижасида 1980-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети дефицити ҳамда инфляция даражасининг ортиб бориши, ҳалқ истеъмоли товарларининг етишмаслиги, ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадолигининг тушиб кетиши каби бир қатор салбий тенденциялар иқтисодий-сиёсий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди.

Ушбу даврда республика аҳолисининг ўсиш суръатлари собиқ иттифоқнинг бошқа давлатларига нисбатан 3 баробар юқори бўлиши ҳамда унда болалар улушининг юқорилиги демографик вазиятнинг мураккаблигидан далолат берарди. Шу билан бирга, узоқ йиллар давомида мутаносиб суръатларда иш жойлари ва яшаш шароитлари яратилмаганлиги оқибатида ишсизлик даражасининг ўсиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг тушиб кетиши, аҳоли даромадларининг камайишига олиб келди. Буларнинг умумий маҳсули эса аҳоли фаровонлиги даражасининг тушиб кетишига сабаб бўлди. Статистик маълумотларга кўра, ушбу даврда мамлакат аҳолисининг 45 фоиз даромадлари яшаш минимумидан паст даражада бўлган (даромадлар аҳоли жон бошига нисбатан 75 рублдан тўғри келган. 1990 йилда яшаш минимуми 85 рублни ташкил этган). Бу кўрсаткич иттифоқ аҳолиси бўйича 11 фоизни ташкил этишини ҳисобга олганда, ундаги ҳар тўртинчи киши Ўзбекистон фуқаросига тўғри келиши маълум бўлади.

Бу даврда республика аҳолисининг ижтимоий ҳолати, ижтимоий таъминоти ва ижтимоий ҳимояси масалалари умуман қониқарсиз холатда бўлиб, бунда қишлоқ аҳолисининг 5 фоизигина водопровод ва канализация билан, тахминан 50 фоизи ичимлик суви билан, 17 фоизи табиий газ билан таъминланган бўлиб, уй-жой, соғликни сақлаш, мактаблар, болалар боғчалари, маданият объектлари билан етарли даражада таъминланмаган эди.

Мана кескин шароитда Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Туб ўзгаришларнинг *бошлиғич босқичи 1991 - 1995 йилларда* асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозик-овқат молларни истеъмол қилиш кескин камайиши, оммавий ишсизлик пайдо бўлишининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик, ижтимоий соҳалар - соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданият тармоқлари доимий ишлашини таъминлашга муваффақ бўлинди.

Ислоҳотларнинг бу босқичида Ўзбекистон ижтимоий ҳимоя сиёсатининг асосий вазифаси – имконқадар ялпи ишсизликка йўл қўймаслик ҳамда нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида аҳоли даромадларидағи “йўқотишлар”ни камайтириш бўлди.

Давлатнинг ижтимоий-иктисодий, миллий ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол бозорлари ҳимояси ва давлатнинг истеъмол хавфсизлигига асос солинди. Асосий озиқ-овқат ва истеъмол молларининг кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун чегараланган маҳсулотларнинг нормалаштирилган тизими ишлаб чиқилди. Шунингдек, ҳимоя чораси сифатида истеъмолчиларга субсидиялар бериш тизими ва истеъмол бозоридаги асосий озиқ-овқат товарларини мамлакатдан ташқарига чиқиб кетишидан ҳимоялаш-нинг турли шакларидан кенг фойдаланилди. Нархларни эркинлаштириш шароитида аҳолининг харид қобилиятини ҳимоя қилиш учун бу чоралар муҳим аҳамият касб этди.

Хукумат томонидан қишлоқ аҳолисига хусусий томорқаларнинг ажратилиши, шунингдек, аҳоли асосий қисмининг реал маоши камайишини

компенсация қилиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти қўллаб-қувватланди. Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу йиллар ичида қишлоқ аҳолиси хусусий тасарруфидаги ер ҳажми икки баробарга ошди, натижада, ҳар бир оила тасарруфидаги томорқалар 1990 йилдаги 12 сотихдан 30 сотихга етди. Бу чора-тадбирлар бозор типидаги юқори самарали томорқа хўжаликларини ташкил этиш имконини яратди.

Бозор иқтисодиёти тизимида ишлашга мослашмаган таълим ҳамда соғликни сақлаш тизими ҳам ислоҳотларнинг дастлабки босқичида туб ўзгаришларни талаб қиласди. Бунда аҳолининг соғлиғи ва таълим даражасини бир бутун тизим сифатида сақлаб қолишга қаратилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этди.

*Бу сиёсат ўтиши даврининг энг мураккаб – бошлангич даврларида ижтимоий соҳадаги асосий мақсад ва вазифаларни амалга оширишга қўмак берди. Шундай ёндашув туфайли ислоҳотлар арафасида энг нокулай бошланғич шарт-шароитларга ва сезиларли ижтимоий зиддиятларга эга бўлган Ўзбекистон ижтимоий можароларни четлаб ўтишга муваффақ бўлди.<sup>9</sup>*

Бу давр ичида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ижтимоий таъминоти ҳамда ҳимоясининг ҳуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида” (20.11.1991), “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” (13.01.1992), «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида» (02.07.1992), “Таълим тўғрисида”(02.07.1992), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” (06.05.1993), “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида” (07.05.1993), “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” (03.09.1993) каби бир қатор ижтимоий муҳим қонунлар қабул қилинди.

**Иккинчи босқичда (1996 - 2003 йиллар)** макроиктисодий мувозанатни таъминлаш, инфляция даражасини пасайтириш, иқтисодиётда тузилмавий ўзгартиришлар, истеъмол бозорини тўйинтириш орқали аҳоли турмуш

<sup>9</sup> Узбекистан: десять лет по пути формирования рыночной экономики”, РАН, 2001

даражасини тадрижий кўтариш учун шарт-шароитлар яратилди. 1996 йилдан бошланган иқтисодий ўсиш аҳоли даромадлари ўсишининг табиий манбаига айланди. 1997-2003 йилларда аҳолининг реал пул даромадлари йиллик ўртacha 22 фоиздан ўсади.

*Ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари аҳолининг умумий ижтимоий ҳимояси ўрнига ижтимоий ҳимоянинг манзилли шаклларига алмашинди.* Иш билан таъминлаш, аҳоли даромадларини ошириш, инсон капитали салоҳиятини ошириш ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларига айланди.

Нархлар ўсиши муносабати билан *маошларни индексациялаши* сони кескин камайди. Индексация фақатгина бюджет ташкилотлари соҳасида қўллана бошланди. Истеъмол субсидиялари коммунал хизматларнинг айрим турларигагина сақлаб қолинди. Аҳоли даромадлари таркибида трансферлар улуши камайди. Давлат аҳоли ўртасида тенгсизлик кучайишининг хавфини камайтириш мақсадида, фақатгина, унинг *даромадлари даражасини* бошқариб турди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш мақсадида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Натижада аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг, ичимлик суви ва табиий газ билан таъминланганлик даражаси ошди. 1997-2003 йилларда аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 36,8 дан 47 фоизга, хусусан, қишлоқ жойларда 36,8 дан 47 фоизга, табиий газ 69 фоиздан 78,3 фоизга етди.

1997 йилдан бошлаб ижтимоий соҳанинг барча тармоқларида ижтимоий дастурлар тизими амалга оширила бошланди. Таълим соҳасида бу кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўлиб, мактаблар, академик лицейлар ва қасб-хунар коллежлари қурилди, капитал таъмирланди. Ўқув бинолари замонавий жиҳоз-лар, ўқув қуроллари, компьютер синфлари билан таъминланди. Янги миллий таълим стандартлари, дарсликлар ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши учун ҳар йили давлат

бюджетининг ижтимоий соҳага йўналтирилган қисмининг деярли ярми сарф бўлди.

Бу даврда соғликни сақлашни ислоҳ қилиш Давлат дастури катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлди, ушбу дастур асосида тиббий хизмат кўрсатиш тизими қайта кўриб чиқилди, кишлоқ жойларда соғликни сақлашнинг бирламчи бўгини ислоҳ қилинди, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш тизими яхшиланди.

Ушбу даврда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларини қўллаб-кувватлаш мақсадида йиллик давлат дастурлари амалга оширилди. Булар қаторида “Инсон манфаатлари йили” (1997), “Оила йили” (1998), “Аёллар йили”(1999), “Соғлом авлод йили” (2000), “Она ва бола йили”(2001), “Карияларни қадрлаш йили”(2002), “Обод маҳалла йили” (2003) йиллик давлат дастурлари ижтимоий сиёsatнинг янада кучайишида алоҳида ўрин тутди.

**Учинчи босқичда** 2004 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар иқтисодиётда, банк тизими, солиқ-бюджет сиёsatида ўtkазилган институционал ва тузилмавий ислоҳотлар натижасида кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш, янги иш жойларини яратиш ҳамда аҳоли даромадлари ўсишига қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, сўнги саккиз йил ичида аҳоли даромадларининг реал ўсиши 20 фоизни ташкил этди. Ушбу босқичда мамлакатимиз ривожланишида 2008 йилдан бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози даври алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикасида 2009 йили қабул қилинган инқирозга қарши чора-тадбирлар дастури доирасида бир қатор инвестицион дастурлар амалга оширилиб, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишига, ижтимоий инфраструктура ва хизматлар соҳасининг ривожланишига, аҳолининг ўз-ўзини бошқариш органлари орқали манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Бу босқичда энг асосий эътибор таълим ва соғликни сақлаш соҳаларида барчага teng имкониятлар яратиш, мазкур хизматларнинг сифатини ошириш ҳамда ёшларнинг меҳнат бозорида фаол иштирокини

таъминлашга қаратилди.

Шунингдек, таълим тизимидағи ислоҳотлар бир қатор ихтисослаштирилган дастурлар ва қарорлар асосида янада такомиллаштирилди. Ҳусусан, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”, “Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис-педагог кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури”, “2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш дастури”, “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури”, “2011-2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастури”, шунингдек, “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ҳамда “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори таълим соҳасида туб ўзгаришларга сабаб бўлди.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ қилиш ҳамда аҳоли саломатлигини ошириш мақсадида бир қатор хукумат қарорлари ва давлат дастурининг амалга оширилиши натижасида ташхис қўйиш ва тиббий ёрдамнинг барча турлари сифатини тубдан кўтариш ҳамда соҳани профилактик медицинага ўзгартириш бўйича кенг ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони (19.09.2007й.), ВМнинг “Соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори (24.03.2011й.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни

янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғри-сида”ги (28.11.2011й.) ҳамда “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасини Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида” ги (21.11.2011) қарори тизимни ислоҳ қилишда дастуралмал бўлди.

- Ижтимоий сиёсатнинг кейинги даврдаги устувор йўналишлари: тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай макроиктисодий мухит яратилиши, иқтисодиётнинг юқори технологияли соҳаларида юқори даромадли иш жойлари ташкил этиш, аҳолининг ўрта табақаси шаклланишини кенгайтириш;
- ижтимоий ҳимоя тизимининг манзиллилиги ва самарадорлигини кучайтириш;
- таълим ва тиббиёт хизматлари сифатини ошириш, меҳнат бозори мувозанатлашувини таъминлаш мақсадида юқори малакали кадрлар тайёрлаш;

хизматлар соҳаси инфратузилмасини янада ривожлантириш ва аҳолининг яшаш стандартларини ривожланган давлатлар даражасига кўтариш каби бир қатор устувор вазифаларни ўз ичига олади.

### **Назорат саволлари:**

1. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалалари
2. “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да давлат ҳокимиятининг учта субъекти-давлат бошлиги бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатлар
3. «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳукуқи ва манфаатларини ишончли

химоя қилишга каратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш масалалари

4. Ўзбекистонда Парламент тизимидағи ислоҳотлар ва Олий Мажлис палаталари фаолиятининг хуқуқий асосларининг яратилиши.

5. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиётига салбий таъсирини олдини олиш мақсадида 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши ўз натижалари.

6. «Мулкчилик тўғрисида»ги қонунга кўра мамлакатда мулкчиликнинг шакллари.

7. Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида амалга оширилган инвестиция сиёсати

8. Ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари.

9. Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари ва белгиланган вазифалар

10. Ўзбекистонда макроиктисодий барқорорликни ривожлантириш йўлидаги чора – талбирлар

11. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар ва фермер хўжаликларининг тузилиши

12. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг хуқуқий асосларини яратилиши

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳани тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар босқичлари.

### **3 – мавзу: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши.**

#### **Режа:**

1. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.
2. Давлат дастурлари ва худудий дастурлар доирасида аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларнинг белгиланиши.

**Таянч сўзлар:** медиа-ҳафталиқ, халқаро давра сухбати, буюк тарихий мерос, Ўзбекистоннинг бой табиий заҳиралари, Марказий Осиёда ядро қуролидан озод ҳудуд, превентив дипломатия.

### **Жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш.**

Мустақиллик йилларида мамлакатда ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти қуришга, эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантиришга, халқ осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун шарт-шароитлар яратишига, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг муносиб ўрин эгаллашига қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Босиб ўтилган йўл ва орттирилган тажрибани холисона баҳолашдан, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни таҳлил қилишдан ҳамда замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олдимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакат тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим устуворликларини ҳамда аниқ мэрраларини белгилаш вазифаси турган эди.

Мазкур вазифани амалга ошириш йўлида аҳолининг кенг қатламлари, жамоатчилик ва ишбилиармон доиралар вакиллари, давлат органларининг раҳбарлари ва мутахассислари билан амалий сухбат ҳамда муҳокамалар олиб борилди, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатлари, миллий ва халқаро ташкилотларнинг ахборот-таҳлилий материаллари, маъruzалари, тавсиялари ва шарҳлари ўрганилди, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинди.

Келиб тушган таклифларни жамлаш, чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, у билан:

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси (кейинги ўринларда-Ҳаракатлар стратегияси);

Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда-Давлат дастури) тасдиқланди.

Лойиҳаларни тайёрлаш давомида аҳолининг кенг қатламлари орасида қизғин муҳокамалар олиб борилди. Лойиҳалар муҳокама учун турли ахборот майдонларига жойлаштирилди, уларнинг натижасида кўплаб таклиф ва мулоҳазалар келиб тушди. Фуқаролар сиёсий-хуқуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислоҳотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар.

Хусусан, лойиҳаларнинг «Қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш тизими» порталида йўлга қўйилган жамоатчилик муҳокамаси натижалари бўйича 1 310 та таклиф ва мулоҳаза келиб тушиб, улар асосида Давлат дастурининг 41 та банди қайта кўриб чиқилди.

Шу билан бирга, 2017 йил 23 — 27 январь кунлари Тошкент шаҳрида медиа-ҳафталиқ ва халқаро давра сұхбати ташкил этилиб, уларда 1 300 дан ортиқ мутахассис ва эксперт, жамоатчиликнинг, оммавий ахборот воситаларининг, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг, шунингдек Ўзбекистонда фаолият юритаётган йирик хорижий инвесторларнинг вакиллари иштирок этишди.

Ҳаракатлар стратегиясига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан сайловолди жараёни, жамоатчилик, ишбилармон доиралар вакиллари ҳамда давлат органлари билан учрашувлар чоғида билдирилган мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-

иқтисодий, маданий-гуманитар ривожлантиришнинг концептуал масалалари киритилди.

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини тубдан оширишдан, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан, мамлакатни модернизациялаш ва ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдан иборатdir.

Хусусан, мамлакатни ривожлантиришнинг қўйидаги 5 та устувор йўналиши белгиланган:

- 1. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш;**
- 2. Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш;**
- 3. Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш;**
- 4. Ижтимоий соҳани ривожлантириш;**
- 5. Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш.**

Мазкур йўналишларнинг ҳар бири мамлакатдаги ислоҳотларни ва янгиланишларни янада чуқурлаштиришга оид аниқ бўлимлардан иборат.

Ҳаракатлар стратегиясини беш босқичда амалга ошириш назарда тутилмоқда, бунда йилларга бериладиган номларга мувофиқ ҳар йили уни амалга ошириш бўйича Давлат дастури тасдиқланади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатлар мазмунан буткул янгича сифат даражасига қўтарилди. Дунё ҳаритасида янги суверен давлат-Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Миллий истиқлолни қўлга киритган Ўзбекистон жаҳон аренасида ўз овозига эга бўлган халқаро муносабатларнинг teng ҳукукли субъекти сифатида қад

ростлади.

Аммо Ўзбекистон мустақиллигининг қарор топиш даври XX асрнинг 1990-йилларида мамлакат ичкарисида ва халқаро миқёсда вужудга келган ўта мураккаб тарихий жараёнлар силсиласига тўғри келди. Қолаверса, 1991 йилда Ўзбекистон ўз мустақиллигини эндиғина қўлга киритган, ўша пайтда дунё ҳамжамиятида ва мамлакатда вужудга келган оғир ва ўта қалтис шартшароитларда мустақил тараққиёт йўлида биринчи қадамларни ташлаётган ёш давлат эди. Бу йилларда Мустақил Ўзбекистон олдида буткул янги бўлган ўта мураккаб синов – *биринчидан*, мамлакат ичкарисида бошлаб юборилган чуқур ислоҳотлар, ўта маъсулиятли янгиланиш жараёнлари учун имкон қадар қулай бўлган ташқи шароитларни яратиш; *иккинчидан*, халқ тинчлиги, мамлакат хавфсизлиги ва иқтисодиёт барқарорлигини ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш; *учинчидан*, қарама-қаршиликларга бой бўлган ҳамда турли таҳликали вазиятларни бошидан кечираётган жаҳон ҳамжамиятига халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари асосида қўшилиш; ва *тўртинчидан*, кучли халқаро рақобатга бардош бериб, унда муносиб ўрин эгаллаш каби қатор вазифалар турарди. Мамлакат мустақиллигини сақлаб қолища ва мустаҳкамлашда ана шундай машаққатли вазифани қанчалик мувафақиятли адo этишга боғлиқ эди.

Табиийки, Ўзбекистоннинг бой табиий заҳиралари, муҳим географик жойлашуви, буюк тарихий мероси, бағрикенг, танти ҳамда заҳматкаш халқи ва мамлакатнинг бошқа қатор ўзига хос жиҳатлари ҳам жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотар, мамлакат атрофида уни дархол ўз “қарамоғига” олиш мақсадида унга гўёки “ёрдам” қўлини чўзаётган, турли тарихий, сиёсий, иқтисодий даъволарни билдирибтурган давлатлар ҳам бор эди.

Ўзбекистонни ўзи танлаб олган йўлидан қайтариш, унинг тараққиётини издан чиқариш, барқарорлиги, тинчлигига путур етказишга бўлган жиддий уринишлиар 1990 йилда Наманган, Андижон ва Фарғонада миллатлараро тўқнашувлар, диний ақидапарастларнинг Конституцион тизимга қарши жиноий ҳаракатларида, Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида, 1990-1996 йилларда

Тожикистондаги фуқаролик уруши давомида юз берган миллатлараро қирғинборотлар, 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида, 1999-2001 йиллари Қирғизистоннинг Боткент, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида террористик тажовузлар, 2004 йили Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида уюштирилган портлашлар ва бошқа шу каби мудхиш воқеаларда, 2010 йили яна Қирғизистон жанубида ўзбек ва қирғиз миллатига мансуб кишилар ўртасида уюштирилган оммавий хунрезликларда очиқдан-очиқ намоён бўлди. Бу даврда қўшни мамлакатлардаги ижтимоий-иқтисодий танглик, сиёсий бошбошдоқлик, айниқса давлат бошқарув органларининг энг зарур пайтларда “фалажлик” ҳолатига тушиб қолиш ҳолатлари Ўзбекистоннинг тинчлигига рахна солувчи ички ва ташқи таҳдидларга мақбул шароит яратувчи, уларни трансмиллий кучга айлантирувчи омиллардан бирига айланганди. Ана шундай шароитларда Ўзбекистонни турли таҳдидлардан асраб қолинишида, унинг дунё ҳамжамиятида обрў-эътибор топишида, нуфузи ортиб, мавқеи мустаҳкамланиб бориши муҳим эди.

Биринчи Президент И.Каримов ўзининг 1992 йили чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида «Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган, кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш-давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир», - деб таъкидлаган эди.<sup>10</sup> Мамлакат раҳбари уч юз минг йилдан ортиқ тарихий давлатчиликка эга бўлган ўзбек халқининг дунё аренасида яна қад ростлашига эришиш учун пухта-пишиқ ўйланган, фаол ва дадил, вазмин ва прагматик характерга эга бўлган ташқи сиёсат стратегиясини мустақилликнинг дастлабки давриданоқ шакллантира олди. Шу йўсинда Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг барча жабҳаларини ўзида мужассам этган яхлит давлат сиёсати амалга тадбик этилди. Бу сиёсат асосан қуйидаги учта йўналишда ривож топди, булар,

<sup>10</sup>Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. -Т.: “Ўзбекистон”, 1992.

халқаро сиёсат ва хавфсизлик соҳасидаги муносабатлар, ташқи савдо ва иқтисодий алоқалар, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик.

Ўзбекистонда қатъий ирода ва вазминлик билан мамлакат ҳамда унинг теварак атрофидаги реал вазиятни инобатга олиб, узоқ келажакни олдиндан кўра билган ҳолда, ташқи сиёсатнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни-Конституциясига давлат ташқи сиёсатининг бош тамойилларини ўзида аниқ ва очик-ойдин ифода этган алоҳида боб киритилди. Қомуснинг “Ташқи сиёсат” деб номланган ушбу бобида Ўзбекистон ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қиласлик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши баён этилди. Ушбу бобнинг 17-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажralиб чиқиши мумкин”, деган қоида қонунан муҳрлаб қўйилди.

Ташқи алоқаларнинг қонуний асосини яратиш жараёни билан бир пайтнинг ўзида хорижий мамлакатлар билан дипломатик муносабатларни ўрнатиш ва изчил ривожлантириб бориш механизmlарини зудлик билан Истиқлоннинг дастлабки йиллариданоқ мамлакат олдида турган энг муҳим вазифалар ва мураккаб халқаро шарт-шароитларни бирдай инобатга оловчи, чуқур ўйланган ташқи сиёсат стратегияси кенг миқёсда амалга оширила бошланди. Натижада, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўз тақдири ва келажагини ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мустақил равищда белгилай оладиган замонавий суверен давлат сифатида намоён бўлди.

Жумладан, 1992 йил 2 марта Ўзбекистон ўз хоҳиш-иродасига кўра дунёдаги мустақил давлатларнинг асосий қисмини ўзида мужассам этган энг иирик, энг универсал халқаро ташкилот-Бирлашган миллатлар ташкилотига

(БМТ) тенг хуқуқли аъзо бўлиб кирди. Ўзбекистоннинг давлат байроғи Нью-Йоркдаги БМТ бош қароргоҳи олдидағи дунё мамлакатлари байроқлари қаторида ҳилпирай бошлагани-бу халқимиз, аждодларимизнинг азалий орзуси-миллий истиқлолимизнинг халқаро ҳамжамият томонидан тан олингани рамзий ифодаси эди. Шу тариқа Ўзбекистон мазкур тузилма доирасида глобал ҳамда минтақавий масалаларни муҳокама қилишда ўз манфаатларини тўғридан-тўғри ҳимоя қилиш ва уларни илгари суриш имкониятини биринчи бор қўлга киритди. Ўша йилиёқ Ўзбекистон Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа қатор халқаро институтларга аъзо бўлди, улар билан ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантира бошлади.

Миллий манфаатларни сабитқадамлик билан илгари суриш, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Марказий Осиёда геосиёсий мувозанатни сақлаш; сиёсий, иқтисодий, савдо-сотик, транспорт ва бошқа соҳалардаги халқаро алоқаларни кенг диверсификация қилиш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устивор йўналишлари деб белгилаб олинди. 1991-2001 йилларнинг ўзидаёқ Ўзбекистонни дунёнинг 165 та давлати тан олди, 120 дан ортиқ давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Мамлакатимиз 100 дан ошиқ халқаро ташкилотларнинг, шу жумладан БМТ тизимидағи ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, Бутунжахон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ва бошқа глобал институтлар, Мустақил давлатлар ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий тузилмаларнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Ўзбекистон дунёнинг 46 давлатида ўзининг дипломатик ва консуллик ваколатхоналарини очиб улгурди. Тошкентда 44 хорижий давлатларнинг элчихоналари, 9 консулик вакиллари, 15 халқаро ташкилотларнинг ваколатхоналари фаолият қўрсата бошлади.

Ўзбекистон нафақат сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан барқарор мамлакат, халқаро майдонда ишончли ҳамкор сифатида, балки глобал ва минтақавий хавфсизликни, халқаро барқарорликни таъминлашга бевосита дахлдор давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади. Бу борада

Ўзбекистон халқаро “хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойилига”<sup>11</sup> амал қилди, глобал-лашув даврида ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва худудлар билан чамбарчас боғлиқ эканлиги, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини яхши англаган холда иш тутди<sup>12</sup>.

Ўзбекистон ҳукумати ўзи илгари сурган илк халқаро ташаббусларидаёқ Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлашга ва шу орқали глобал барқарорликни мустаҳкамлашга хисса қўшиш йўлидан борди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш ва шу орқали жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган муҳим ташаббуслари қаторида БМТ 48-Бош Ассамблеяси минбаридан туриб, 1993 йил 28 сентябрида эълон қилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона тузиш ғоясини келтириб ўтиш мумкин. Ушбу ташаббусни амалга ошириш бўйича олиб борилган мураккаб халқаро музокаралар, тинимсиз сайи-ҳаракатлар натижасида 2009 йили 21 марта минтақадаги бешта давлат томонидан имзоланган “Марказий Осиёда ядро қуролидан озод худуд тузиш тўғрисидаги” шартнома кучга кирди. Бу халқаро хужжатга биноан минтақа давлатлари ядрорий қурол ишлаб чиқармаслик ва уни ўз худудида жойлаштирмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар. Мазкур шартноманинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, у Марказий Осиёдаги бешта давлатни бир-бирига боғлаб турувчи хавфсизлик соҳасидаги энг биринчи ва шу кунгача ягона фундаментал шартнома бўлди.

Ўзбек халқининг “Қўшнинг тинч — сен тинч” деган мақоли моҳиятини, унинг замирида нақадар катта ҳаётий ҳақиқат ётганини теран англаган Ўзбекистон минтақада барқарорлик ва тинчликни сақлашга йўналтирилган яна қатор долзарб ташаббуслар ишлаб чиқди ҳамда уларни амалга тадбиқ этди. Бу борадаги энг муҳим халқаро ташаббуслардан бири сифатида қўшни

<sup>11</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1997.- 167 ва -325 б.

<sup>12</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият. 2008. – Б.111.

Афғонистондаги қуролли можорога чек қўйиш, миңтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига хавф солаётган терроризм ва ақидапарастлик, ноқонуний қурол ва гиёҳванд моддалар савдосига қарши курашиш билан боғлиқ ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий масалаларни қамраб олган қатор амалий таклифлар мажмуасини келтириб ўтиш мумкин.

Ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарияти билан қабиҳ ниятда ташкил этилган воқеаларнинг янада ривожланишига, шафқатсиз зўравонликнинг авж олиб, миллатлараро низодан давлатлараро можорога айланишига, йўл қўймаслик, томонлар орасида ўзаро қаҳру ғазабни жиловлаш, экстремизмнинг шиддатли тус олишининг олдини олишда тезкор ва кенг қамровли чоралар кўрди. “Фақат ақл-идрок, оддий ҳақиқатни, яъни ушбу заминда кўп асрлар давомида ўзбеклар ва қирғизлар ёнма-ён яшаб келгани ва бундан буён ҳам уларнинг фарзандлари ҳамда авлодлари қўп асрлар мобайнида бирга яшашини теран англаш бизга ва халқимизга мазкур фожианинг Марказий Осиёда қарама-қаршиликларнинг янги, кенг кўламли ўчоғига айланиб кетишининг олдини олишда муҳим омил бўлди.

Ана шундай вазиятда Ўзбекистон томонидан эгалланган оқилона позиция, “етти ўлчаб, бир кес”, деган ҳаққоний нақлга амал қилиб иш тутилиши, жаҳон жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди. Бугунги Ўзбекистон Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни асраб авайлаш, ушбу минтақани барқарор тараққиёт худудига айлантиришга йўналтирилган боша қатор ташабbusларни ҳам илгари суриб, минтақавий масалаларидан тортиб, бутун Ер шари ва инсоният тақдирига дахлдор бўлган улкан вазифаларни ҳам ўртага ташлади. Булар, Оролбўйи худудидаги экологик фожеа оқибатларини бартараф этиш, минтақадаги трансчегаравий сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш, Ўрта Осиё-Форс кўрфази транспорт коридорини яратишга қаратилган таклиф ва ташабbusлар, чора-тадбирлардан иборат бўлди.

Ўзбекистоннинг бугунги тарихида тўпланган тажриба шуни кўрсатдики Марказий Осиёдаги муаммоларни ечишда шу минтақа давлатларининг ўзлари энг асосий роль ўйнашлари даркор. Бу ғоя 2012 йил 10 сентябрда

қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси”да расман белгилаб олинди.

Ушбу Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган ва “Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ” эканлиги расман эътироф этилган. Унда Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал-хомашё ресурсларининг улкан заҳираларига эга эканлиги туфайли жаҳон миқёсида кучли эътибор обьектига, ҳамда йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган худудга айланиб бораётгани таъкидланган. Йирик давлатлар Марказий Осиё давлатларининг ўз ривожланиш модели ва сиёсий йўлини белгилашига таъсир ўтказишга уринаётгани, минтақада ўз мақсадларинигина кўзлаётган ташқи кучларнинг ўзаро рақобати кучайиб бораётгани кўрсатилган. Концепцияда дунёning йирик давлатлари томонидан минтақада олиб борилаётган ўзаро геополитик рақобат инобатга олинниб, “Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз, минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур”, деган позиция баён этилган.

Концепцияда хавфсизликка раҳна солаётган анъанавий ва ноанъанавий таҳдидларнинг турлари кенгайиб бораётгани, мамлакат чегаралари яқинида кескинлик ва танглик ўчоқларининг сақланиб қолаётгани эътироф этилган. Ма-на шу муносабат билан ушбу хужжатда баён этиладики, Ўзбекистон тинчлик-севар сиёsat юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қан-дай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда, улар-дан чиқиши хуқуқини ўзида сақлаб қолади. Концепцияда биринчи бор қуидаги муҳим қоидалар муҳрлаб қўйилди: Ўзбекистон ўзини қўшни давлатлардаги қуролли зиддиятларга тортилишини олдини олиш мақсадида тегишли чоралар-ни кўради; ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва обьектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди; Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий

доктринаси”да ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан унда қайд этилишича, Ўзбекистон халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, халқаро ва давлатлараро муаммоларни уруш йўли билан ҳал этишга қатъиян қарши чиқади ва жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўргасида ҳарбий можаролар чиқишини превентив дипломатия воситасида бартараф қилишда фаол иштирок этишни, зиддиятларни кескинлаштирадиган сабабларга барҳам беришга ёки уларни енгишга куч-ғайрат сарфлашни ўз ташқи сиёсатининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди, деб белгилаб қўйилди. Мудофа доктринасига биноан, Ўзбекистон жаҳондаги бирорта ҳам давлатни ўзининг душмани деб ҳисобламайди, ўз ҳарбий қўшинларини фақат миллий чегаралар доирасида жойлаштириш, айни вақтда ўз фуқароларининг ҳаёти ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, ўзини ўзи мудофаа қилишдек ажралмас ҳуқуқини амалга оширади, давлатнинг ҳарбий кудрати ва мудофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди, хорижий давлатлар билан ҳарбий-техникавий ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириб боради.

Бундай оқилона сиёsat бутун дунёда қуролли можароларнинг сони кўпайиб бораётган бугунги даврда умумбашарий тинчликни сақлаш йўлида миллий даражада ташланган мухим қадамлардан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳозирги замонда дунё ҳамжамия-тига изчил интерациялашувда таъминлашда энг аввало ҳарбий кучга эмас, балки оқилона сиёsat ва дипломатия, ақл-идрок, фикр-мулоҳаза ҳамда изчил ривожланиб бораётган иқтисодий салоҳият ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

### **Давлат дастурлари ва ҳудудий дастурлар доирасида аниқ мақсадларга йўналтирилган чора-тадбирларнинг белгиланиши.**

Давлат дастурининг «Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш» деб номланган биринчи йўналишини амалга оширишда давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини кучайтириш, қонун ижодкорлиги фаолиятининг сифатини тубдан яхшилаш, давлатнинг ҳаётида

сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш назарда тутилган.

Давлат бошқарувини такомиллаштириш, энг аввало давлат хизматини ислоҳ қилиш, иқтисодиётда давлат бошқарувини камайтириш, давлат ва хусусий секторларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигининг замонавий шаклларини, «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Халқ билан самарали мулоқотни таъминлаш Давлат дастурининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири бўлди. Шу муносабат билан жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, нодавлат нотижорат ташкилотларини, оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, шунингдек маҳалланинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш назарда тутилмоқда.

Олий Мажлис 2001 йил 6 декабрда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум ўтказилди. Унинг якунлари асосида “Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда Олий Мажлиснинг 10-сессияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорларқабул қилинди. 2003 йилнинг 24 апрелида эса “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Дунёning ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, ўзбек халқининг қадриятлари ва менталитетини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатлари ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Шундай қилиб, мамлакатимиз тарихида илк бор Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (куйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат тарзда иш бошлади.

Мамлакат парламентининг босиб ўтган йўлини тарихий нуқтаи назардан таҳлил этар эканмиз, уни учта асосий даврга бўлиш, мумкин. Биринчи давр – 1991-1994 йиллар, иккинчи давр – 1995-2004 йиллар учинчи давр – 2005йилдан ҳозирги пайтгacha.

**Биринчи давр – 1991-1994 йиллар.** Ўтиш даври парламенти деб аташ мумкин бўлган охириги 12-чақириқ Олий Кенгаш депутатлари давлат бошқарувининг мутлақо янги органларини ташкил этишининг, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий негизи бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилди. Парламент ёш давлатнинг суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси нинг Давлат мадҳияси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги ва бошқа мустақиллигимизни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ниҳоятда муҳим бўлган бир қатор қонунларни қабул қилди.

Олий Кенгашнинг ўн иккинчи сессияси 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига биринчи сайловни 1994 йил 25 декабрда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Уч босқичда (1994 йил 25 декабрда, 1995 йил 8 ва 22 январда) бўлиб ўтган сайлов якунларига биноан 245 нафар депутатдан иборат таркибдаги парламент шакллантирилди. Сайлов қўп партиявийлик асосида ўтказилди.

**Иккинчи давр – 1995-2004 йиллар.** Олий Кенгаш ўрнига Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти - Олий Мажлис шакллантирилди. Биринчи чақириқ (1995-1999 йиллар) Олий Мажлис таркибида Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 69 нафар, «Адолат»

социал-демократик партиясидан 47, «Ватан тараққиёти» партиясидан 14, «Миллий тикланиш» демократик партиясидан 7 нафар депутат бўлиб, депутатларнинг қолган қисмини ҳокимият вакиллик органларидан кўрсатилган шахслар ташкил этди.

*Иккинчи чақириқ* (2000-2004 йиллар) Олий Мажлисга сайлов ҳокимият вакиллик органлари билан бир қаторда бешта сиёсий партия ва сайловчилар ташаббускор грухлари иштирокида бўлиб ўтди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисда 11 нафар депутатни бирлаштирган “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси, 10 нафар депутатдан иборат “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси, 20 нафар депутатга эга бўлган “Ватан тараққиёти” партияси фракцияси, 34 нафар депутатни ташкил этган “Фидокорлар” миллий демократик партияси фракцияси, 49 нафар депутатдан иборат Халқ демократик партияси фракцияси, 107 нафар кишидан иборат ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоки ва 16 нафар сайловчилар ташаббускор грухларидан сайланган депутатлар блоки рўйхатга олинди. Кейинчалик “Ватан тараққиёти” ва “Фидокорлар” партиялари битта “Фидокорлар” партиясига бирлашганлиги муносабати билан иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида уларнинг парламентдаги фракциялари аъзолари ҳам бирлашиб, 54 нафар депутатни бирлаштирган битта фракцияни ташкил этдилар.

**Учинчи давр-2005** йилдан ҳозирги пайтгача. Миллий парламентаризм ривож топишининг учинчи даври Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидан бошланиб, бунда янги икки палатали Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари амалда ўз ишларига киришдилар. Мамлакатимиз қонун чиқарувчиларининг мазкур тарихий анжуманида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримов жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш юзасидан дастурий маъруза қилиб, мамлакатимизни 2005 йилда ва узоқ муддатли истиқболда ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилиш бўйича асосий вазифаларни илгари сурди.

Бугунги кунга келиб, Олий Мажлис палаталари фаолиятининг ҳуқуқий асослари тўла шаклланди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг салоҳияти ўсиб, сифат жиҳатидан ўзгарди. Бу йилларда қўп партиявийлик асосида қонун чиқарувчи ҳокимиятга сайловлар натижасида Ўзбекистонда замонавий қонун чиқарувчи ҳокимият карор топди.

Таъкидлаш жоизки, икки палатали парламент ташкил этилгач, Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият ўз тараққиётида янги поғонага кўтарилди. Энг асосийси, гарчи қонунчилик жараёни анча мураккаблашган бўлса-да, қабул қилинган қонунларнинг сифати сезиларли даражада ошди. Қонунларни қабул қилишда сиёсий партияларнинг роли кучайди. Қонун лойиҳаларини партияларнинг фракцияларида олдиндан кўриб чиқиш, Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларида ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда уларнинг фикрларини эътиборга олиш амалиёти шаклланди.

Ўзбек миллий парламенти фаолиятида ҳам демократик давлатларнинг парламентларига хос бўлган хусусиятлар, вакиллик, қонунчилик, ҳокимият усти-дан назоратни амалга ошириш, шунингдек, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатида асосий йўналишларни белгилашдек универсал вазифалар намоён бўлди. Мана шу вазифаларнинг амалга оширилиши баробарида ҳалқ ҳокимиятчилиги ва давлатнинг қонунийлигини таъминлаш, давлатнинг демократик, дунёвий, ижтимоий ва ҳуқуқий хусусиятларимуҳим аҳамият касб эта бошлади.

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялашда сиёсий партиялар ролини кучайтириш ҳакида”ги Конституциявий қонун ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг баъзи моддаларига (89-модда; 93-модданинг 15-параграфи; 102-модданинг 2-қисми) ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаларининг шарҳларида қайд этиладики, “Бу борада айрим хорижий мамлакатлар давлат-ҳуқуқий, сиёсий тизимида янгитдан сайланган парламентда мутлақо кўпчилик ўринни эгаллаган партиянинг ҳукуматни

шакллантириш ҳуқуқини қўлга кири-тиши ва унинг етакчиси ёки вакили Бош вазир лавозимига даъвогарлик қилишини назарда тутадиган тажриба ҳам мавжуд. Бундай модель демократик ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтган ва электорати етарли даражадаги юксак сиёсий ва ижтимоий тафаккурга эга бўлган давлатлардагина қўлланилади.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатда парламент ислоҳотларининг ривожлантирилиши масаласи икки палатали парламентнинг ташкил топиши ва унинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тобора мавқеи ривожланиб бораётганлигида аниқ намоён бўлаётганлигини кузатиш мумкин. Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши, унинг фаолият юритиши масалаларига доир ҳуқуқий асосларнинг, шунингдек, сайловларнинг демократик андозалар асосида янада такомиллаштирилиб борилиши, ниҳоят, номарказлаштириш, маъмурий ислоҳотларнинг жадаллик билан олиб борилиши мамлакатни сиёсий модернизациялашув жараёнининг асосини ташкил этди.

Хуллас, мамлакатимизда миллий парламентни шакллантириш жараёни қисқа бўлса-да, таркибий-тузилмавий ва сифат жиҳатидан муҳим босқични босиб ўтди.

#### **Назорат саволлари:**

1. Ҳаракатлар стратегиясининг мақсади.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қачон қабул қилинди?
3. Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асосларини яратилиши
4. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳани тартибга солиш борасидаги ислоҳотлар босқичлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг баъзи моддалари ўзгартишларини изоҳланг.
6. “Миллий тикланиш» демократик партияси гоясини изоҳланг.

#### **4 – мавзу: Давлат ва жамият ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг устувор йўналишлари**

##### **Режа:**

1. Давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш.
2. Конун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ килишнинг устувор йўналишлари.

**Таянч иборалар:** мафкуравий тамойиллар, Миллий давлатчилик асослари, савдо-иктисодий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалар, иктисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш.

##### **Давлат бошқарувига янгича услубларни жорий этиш**

Иктиносидиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида кўрсатилган чора-тадбирларни рӯёбга чиқариш учун миллий валюта ва нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, ташқи иктиносидий алоқаларни кенгайтириш, экспортга мўлжалланган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш учун замонавий технологияларни жорий этиш, транспорт-логистика инфратузилмасини, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун инвестициявий жозибадорликни ошириш, солиқ маъмурчилигини яхшилаш, банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, қўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек туризм индустрисини жадал ривожлантириш назарда тутилган.

Шунингдек, ушбу йўналиш хусусий мулкни, молия бозорини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалигини модернизациялаш, заргарлик соҳасини ривожлантириш, айrim миллий корхоналарнинг акцияларини (IPO) нуфузли

хорижий фонд биржаларига дастлабки тарзда жойлаштиришга тайёргарлик кўриш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

2017-2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурларини рўёбга чиқариш режалаштирилмоқда. Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш йўналишида аҳоли бандлигини ошириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва уларнинг саломатлигини сақлаш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва модернизациялаш, аҳолини электр энергия, газ билан таъминлашни яхшилаш, аҳолининг муҳтож қатламларига кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам сифатини ошириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги мақомини ошириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни назарда тутади.

Хусусан, худудларни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қарийб 25 мингта инвестиция лойиҳасини рўёбга чиқариш ҳисобига 256,4 минг иш ўрни ташкил этиш орқали аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини тўлиқ ижро этиш назарда тутилган. Ишсизлик даражаси энг юқори бўлган минтақаларда 46,8 минг янги иш ўрни ташкил этиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун таълим муассасаларининг 10 минг нафар битиравчисига кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Катта ёшли авлодни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий нафақалар бериш тартибини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари киритилган. Жумладан, 78 та туман тиббиёт бирлашмасини, 7 та шаҳар ва 2 та вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказини қайта қуриш, тез

тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминлаш режалаштирилган.

Қишлоқ жойларда 15 мингта арzon уй-жой, 415 километрик сув таъминоти қувурлари, 316 километрик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида 86 та янги автобус йўналишини жорий этиш ва 537 та замонавий автобус харид қилиш назарда тутилган.

Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритиш йўналиши доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-хукуқий асослар тизимини такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлардан хабардор қилиш тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш, Орол фожиасининг оқибатларини юмшатиш, шунингдек Миллатлараро муносабатлар соҳасидаги сиёsatнинг устувор йўналишлари концепциясини ҳамда Диний соҳадаги давлат сиёsatи концепциясини ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Шу билан бирга, хорижий ҳамкорлар билан сиёсий-дипломатик соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, Ўзбекистоннинг хорижий ҳамкорлар билан 2017 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий, инвестициявий, технологик ва молиявий-техник ҳамкорлигини тубдан ривожлантириш ва кенгайтириш режалаштирилган.

Давлат дастурининг юқорида қайд этилган барча чора-тадбирларини амалга оширишга 37,7 триллион сўм ва 8,3 миллиард АҚШ доллари йўналтирилади.

Келгуси беш йилда мамлакатни ривожлантиришнинг стратегик ва устувор йўналишларини белгилаш мақсадида Фармон асосида, Ўзбекистон Республикаси Президенти бошчилигига Ҳаракатлар стратегиясини амалга

ошириш бўйича Миллий комиссия мавжуд.

Давлат дастурига киритилган тадбирлар тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш Ҳаракатлар стратегияси бешта йўналишининг ҳар бири бўйича тузилган комиссиялар зиммасига юклатилган.

Ушбу комиссиялар зиммасига нафақат юқорида қайд этилган вазифаларни амалга ошириш, балки 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларини тайёрлашган.

Ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши Ўзбекистон Республикасининг мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган хуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун устуворлигини, хавфсизлик ва хуқуқ-тартиботни, давлат чегараларининг дахлсизлигини, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш йўлидаги шахдам ҳаракатларига янги куч бағишлайди.

### **Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари.**

Давлат дастурининг иккинчи йўналиши қонун устуворлигини ва суднинг чинакам мустақиллигини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутади. Жумладан, қарорлар қабул қилишда судлар мустақиллигини таъминлаши керак бўлган Олий суд кенгашини тузиш, профессионал судьялар корпусини шакллантириш, судьяларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилмоқда.

Маъмурий судларни, хўжалик судлари тизимида минтақавий апелляция судларини тузиш, судья ёрдамчиси лавозимини таъсис этиш орқали судларни келгусида ихтисослаштириш ва уларнинг девонини мустаҳкамлаш назарда тутилган.

Сансалорликка ва ишларнинг кўриб чиқилиши судлар томонидан асоссиз чўзиб юборилишига йўл қўймаслик мақсадида процессуал қонун

хужжатларини такомиллаштириш, қуи инстанция судларининг камчиликларини мустақил бартараф этиш ва узил-кесил қарор қабул қилиш юзасидан юқори суд инстанцияларининг ваколатларини кенгайтириш режалаштирилган.

Ушбу йўналиш доирасида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотини йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимига, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Шунингдек ушбу йўналиш 2018 — 2021 йилларда жиноят ва жиноят-процессуал қонун хужжатларини янада такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиши, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари ходимларини ўқитиши, танлаш ва жой-жойига қўйиш тизимини такомиллаштиришни, мурожаатларни мунтазам таҳлил қилишни ҳамда вақти-вақти билан унинг натижаларини эълон қилиб боришни, адвокатурани ривожлантиришни, нотариат тизимини ва ФХДЁ органларини ислоҳ қилишни ҳам ўз ичига олади.

Қабул қилинган қонун хужжатларининг сўзсиз ва ўз вақтида бажарилишида норматив-ҳуқуқий хужжатларни ўз вақтида тарқатиш, ижрочиларга ва аҳолига уларнинг моҳияти ва мазмунини тушунтиришнинг самарали механизmlарини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамай, қонун хужжатларини тарқатишнинг яхлит тизими шаклланмаган, норматив-ҳуқуқий хужжатларни, шу жумладан расмий тарқатмаларни ижрочиларга етказишнинг, тушунтириш ишларини олиб боришнинг тартиби ва

муддатлари ҳамда бу соҳадаги назорат ўрнатилмаган.

Фуқароларни хуқуқий хабардор қилиш, асосан, анъанавий оммавий ахборот воситалари орқали қоғоз кўринишида амалга оширилмоқда, бу эса хуқуқий ахборотнинг тўлиқлиги ва эркин фойдаланилишига, унинг ўз вақтида тарқатилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бунда аҳолининг ижтимоий фаол қатламлари, шу жумладан, тадбиркорлар ва ёшларнинг ахборотга бўлган эҳтиёж ва сўровлари инобатга олинмаяпти.

Мавжуд камчиликлар мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотларни амалга ошириш, жамиятда қонун устуворлиги ва қонунийлик тамойиллари самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда.

Норматив-хуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизими니 тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги хуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадида:

1. Қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказиши таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва худудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда кўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириш вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муҳим вазифалари этиб белгиланган.

2. 2017 йилнинг февралидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан давлат бошқаруви

органлари кўрсатилиши шарт;

хужжат назоратни амалга ошириш юклатилган масъул давлат органи ёки ташкилоти, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан имзолангандан кейин, уни ижро этиш, ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланади;

норматив-хуқуқий хужжатлар имзоланган куни ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-хуқуқий хужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) қоғоз ва электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда норматив-хуқуқий хужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари норматив-хуқуқий хужжатларнинг ахборот-таҳлилий материаллари асосида, қабул қилинган қонун хужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

3. Қонун хужжатларини тарқатиш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини ижрочилар ва аҳолига тушунтириш схемаси тасдиқланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига қўйидаги қўшимча вазифа ва функциялар юклатилган:

норматив-хуқуқий хужжатларни барча давлат органлари ва ташкилотларига ўз вақтида етказиш, уларнинг норматив-хуқуқий хужжатларни тарқатиш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, услугбий раҳбарлик ва назорат қилиш;

давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилган ҳолда жамиятда хуқуқий

тарғиботни ташкил этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, шунингдек, мамлакатда қонун ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш;

суд экспертизаси фаолиятини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш, суд экспертларини тайёрлаш ва малакасини ошириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш;

суд экспертизаси соҳасидаги тизимли муаммоларни комплекс ўрганиш ва уларни ҳал этишга доир илмий асосланган таклифлар ва таъсирчан механизmlарни ишлаб чиқиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Конун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси негизида:

